



26
(1448)-son
31-iyul
2020

Xabar

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

УШБУ СОНДА:

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ ВА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР

Ҳар бир вазирлик ва тармоқ олдига йил якунида аниқ кўрсаткичларга (KPI) эришиш вазифаси кўйилди **2-бет**

СТАРТАПЛАР

Ўзбекистонда илк марта стартаплар муҳиtida тадқиқотлар ўтказилди **3-бет**

ЧТО НОВОГО ВСТУПАЕТ В СИЛУ В УЗБЕКИСТАНЕ С 1 АВГУСТА

С 1 августа 2020 года в Узбекистане вступают в силу несколько нововведений **6-бет**

КОРОНАВИРУС, ИҚТИСОДИЁТ, АҲОЛИГА ПУЛ ТАРҚАТИШ...

Норвеядаги иқтисодчи ҳамюртимиз билан суҳбат **7-бет**

НУҚТАИ НАЗАР

Имтиёзлар ва имтиёзсизлар: талабалар табақаланишими? **8-бет**

ЎЗАТУВ

"Борса келмас кўчалар"да адашганлар **9-бет**

АҚШ ВА ХИТОЙ:

Дипломатик уруш жиддийлашмоқда **13-бет**



АГРАР СОҶА РАҚАМЛАШТИРИЛМОҚДА

Рақамли технологияларнинг энг катта ютуғи — ташкилий, молиявий ва инсон харажатларни тежаш орқали иқтисодий самарадорлигини кескин равишда ошириш имкониятидир. Ҳозирда рақамли технологиялардан турли соҳа ва тармоқларда кенг фойдаланилмоқда. Юртимиз учун энг долзарб бўлган шундай соҳаларидан бири қишлоқ хўжалиги соҳасидир. Мазкур соҳада ҳозирги пайтда катта ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. **3**

РОБОТОТЕХНИКА

Ўзбекистонда робот хизматкорлар яратилди



Иновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурдаги Иновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий маркази ҳамда Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети талабалари ҳамкорликда NovAssistant универсал роботини яратдилар. Бу Иновацион ривожланиш вазирлиги янги биносидаги робототехника лабораторияси мутахассислари кўмагида амалга оширилган илк лойиҳадир.

Роботни яратган жамоа аъзолари — Далер Мардонов (лойиҳа раҳбари), Саидакбархон Пулатов (дастурчи), Саидазизхон Саидалоев (конструктор), Саидалоҳон Эргашхўжазода (механик) талабалар бўлиб, улар 19-20 ёшли йигитлар эканлиги диққатга сазовордир.

Ёрдамчи-робот мулоқот қилиш билан бир қаторда ўз ҳиссиётларини ҳам изҳор қила олади, уни ишхонада ёки уйда кўмакчи сифатида ишлатиш мумкин.

Буюртмачининг истак-хоҳишига кўра мазкур роботни истаган кўринишда яшаш мумкин. Шунингдек, сунъий интеллект, одамни таниш, хонадаги ускуналарни бошқариш каби қўшимча функцияларни ҳам қўшиб яратиш имконияти мавжуд. Роботни илова орқали ёки овоз билан бошқариш мумкин.

Бундай роботларнинг хориждаги нархи ўртача нархи 180 млн. сўмга тўғри келса, миллий хизматчи роботларимизнинг ўртача нархи комплекциясига қараб 25–45 млн. сўмни ташкил этади.

ҚАР 10 МИНГ ИШЧИГА Тўғри келадиган саноат РОБОТЛАРИ Сони

1. Сингапур — 831
2. Ю. Корея — 774
3. Германия — 338
4. Япония — 327
5. Швеция — 247
6. Дания — 240
7. АҚШ — 217
8. Италия — 200
9. Белгия — 188
10. Нидерландия — 182.



2 ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

Jumadan
Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни 24 июл - таваллуд кунини муносабати билан хорижий давлатлар, ҳукуматлар ва парламентлар раҳбарлари, таниқли давлат ва жамоат арбоблари самимий қутлашди. Жумладан, Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев, Туркманистон Президенти Гурбангули Берди-мухамедов, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Қирғизистон Президенти Сооронбай Жээнбеков, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти - Элбоши Нурсултон Назарбаев, Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация кенгаши раиси Валентина Матвиенко, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзинпин, Корея Республикаси Президенти Мун Чже Ин ва бошқа кўплаб давлат ҳамда жамоат арбоблари давлатимиз раҳбарини самимий табриқлашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев расмида 28 июл кунини ҳудудларда коронавирус билан боғлиқ мураккаб вазиятни тартибга солиш бўйича қўриқилган чоралар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда ёш болалар, ҳомиладор аёллар, кексалар, ногиронлиги ва сунунки касаллиги бўлган фуқаролар саломатлиги устидан тизимли мониторинг олиб бориш муҳимлиги белгиланди. Қарантин даврида бирор бир эҳтиётмадор оила эътибордан четда қолмаслиги, кам тазминланган аҳоли қатламга моддий ёрдам, озик-овқат ва дори-дармонларни манзилли етказиб бериш тизими "соат"дай аниқ ишлаши кераклиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари - инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умуразоқов Ўзбекистон ҳукумати делегациясининг Анқарага ташрифи давомида Туркия Республикаси Буюк миллий мажлиси аъзолари Ж.Ил-маз ва Л.Элван билан учрашувлар ўтказди. Музокаралар чоғида Ўзбекистоннинг ҳар томонлама иқтисодий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш мақсадида Туркиянинг етакчи мутахассислари ва маслаҳатчиларини жалб қилиш бўйича ҳамкорликнинг жорий ҳолати кўриб чиқилди. Шунингдек, турк томони кўмаги билан Ўзбекистонда Туркия иқтисодиёт ва технологиялар университети (TOBB) филиали очилди. Жорий йил мазкур олий ўқув юртига талабалар қабул қилина бошлайди.

Тошкентда "Фолксваген Кедди" автомобиллари онлайн тақдими ўтказилди. Ўзбекистонда "Фолксваген" автомобилларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ташаббуси Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил январ ойида Германияга расмий ташрифи чоғида илгари сурилган эди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 25 июндаги қарори билан "Жиззах автомобил заводи" МЧЖ негизда "Фолксваген" компанияси томонидан тақвир этилаётган концепция маъқулланди. Концепцияда дастлаб 2020-2021 йилларда бозорни ўрганиш ҳамда маркетинг таҳлилинини ўтказиш мақсадида "Фолксваген" ва "Шкода" марказларидаги тайёр автомобилларни етказиб беришни ташкил қилиш кўзда тутилган. Иккинчи босқичда эса 2022 йилдан бошлаб энгил тижорат автомобилларининг замонавий моделларини ишлаб чиқаришнинг тулқин циклини ўзлаштириш белгиланган.

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ ВА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР

Ҳар бир вазирлик ва тармоқ олдига йил якунида аниқ кўрсаткичларга (KPI) эришиш вазифаси қўйилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 июл кунини яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича олиб борилган ишлар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.



Мамлакатимизда яширин иқтисодиёт даражаси юқори. Шу боис кейинги йилларда бизнесга қўшимча қулайликлар яратиш орқали яширин иқтисодиёт улушини камайтириш чоралари қўрилмоқда. Хусусан, валюта бозори эркинлаштирилди, янги солиқ тизими жорий этилди, 100га яқин рўхсат бериш ва лицензиялаш қоидалари қисқартирилди. Буларнинг натижасида охириги 5 йилда саноатда норасмий сектор улуши 20 фоиздан 6 фоизга тушган.

Йиғилишда бу борадаги ишлар етарли эмаслиги қайд этилиб, галдаги вазифалар муҳома қилинди. Халқроқ ташкилотлар экспертларини жалб қилган ҳолда, яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича стратегия ишлаб чиқиш топшириги берилди.

Давлат раҳбари яширин иқтисодиётга қарши курашишда эҳтиёт бўлиш, иқтисодий фаолликка зарар етказиб қўймаслик, бунинг учун давлат органлари, бизнес ва жамоатчилик ҳамжихатлигида ишлаши муҳимлигини таъкидлади.

Солиқ ислохотларини изчил давом эттириб, яширин иқтисодиётга йўл қўймайдиган тизим жорий этиш вазифаси қўйилди. "Инсофли солиқ тўловчи" тизимини шакллантириб, шу йил якунига қадар Тошкент шаҳрида намуна сифатида амалга оширишга кўрсатма берилди.

Давлат харидлари ва инвестиция лойиҳаларида коррупцияга чек қўйиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Молия ва вазирлигига бу борада шаффофликни таъминлаш, жамоат назорати ва рақобатни кучайтириш мақсадида Давлат харидлари ахборот порталини ишлаб туриши топширилди.

Эндиликда ҳар бир инвестиция лойиҳаси коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилиши белгиланди. 2021 йилдан бошлаб ушбу тизим марказлашган маблағлар ҳисобига амалга оширилаётган барча лойиҳаларга татбиқ этилади.

Давлат органларида ҳам яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши мувофиқлик тизими жорий этилмоқда. Хусусан, Қурилиш, Соғлиқни сақлаш ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларида, "Ўзбекнефтгаз" ва "Ўзкимёсаноат" акция-

«Яширин иқтисодиёт» улушини қисқартириш бўйича биринчи даражали вазифалар тўғрисида

САВДО, УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ, ТРАНСПОРТ ВА МАИШИЙ ХИЗМАТ КўРСАТИШ СОҲАЛАРИДА ПЛАСТИК КАРТАЛАР ВА БОШҚА ТУРДАГИ КОНТАКТИЗ ТўЛОВЛАРНИ АЙЛАНМА ДАРОМАД СОЛИГИНИ ҲИСОБЛАШ БАЗАСИГА КИРИТМАСЛИК ТАКЛИФИ БИЛДИРИЛДИ.

дорлик жамиятларида бу борада ишлар бошланган. Йил якунига яна 14та ташкилотда ва давлат улушига эга 10та банкда ушбу тизимни жорий этиш вазифаси қўйилди.

Соҳалар ва йўналишлар кесимида коррупцияга қарши курашиш бўйича "йўл хариталари" ишлаб чиқиш ҳамда ижросини муҳома қилиб бориш юзасидан топшириқлар берилди.

Шунингдек, давлат органлари, корхоналар ва ҳудудларда коррупция ва яширин иқтисодиёт рейтинг методикаси ишлаб чиқилиши белгиланди. 2021 йилдан бошлаб ушбу рейтинг натижалари эълон қилиб борилади, шу асосида барча раҳбарларнинг шахсий масъулияти баҳоланади.

Йиғилишда божхона ва солиқ тизимида доир масалалар ҳам кўриб чиқилди. Инсон омилига чек қўйиш орқали контрабанда ва маҳсулотларнинг божхона қийматици сунъий пасайтириш ҳолатлари устидан божхона назоратини кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитасига импорт товарларининг қилиб келиши, божхонадан ўтказилиши ва сотилиши бўйича ягона базани ишлаб туриши бўйича топшириқлар берилди.

Шунингдек, 2021 йил 1 январдан "Божхона аудити" ахборот тизимини жорий этиш вазифаси белгиланди.

Президентимиз яширин иқтисодиётни қисқартириш учун одамларнинг легал ишлашига қўмақлашиш, уларни манфаатдор қилиш кераклигини таъкидлади.

Масалан, ўзини ўзи банд қилиш тизими соддалаштирилгани натижасида июл ойининг ўсида 184 минг фуқаро расмий секторда иш юрита бошлади.

Лекин, қурилиш, савдо ва умумий овқатланиш, транспорт ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида норасмий бандлик даражаси ҳамон юқори. Умуман, иқтисодиётда банд бўлган 10,5 миллион аҳолининг атиги 4,9 миллиони даромад солиғи тўлайди.

Йиғилишда бундай соҳалар бўйича манзилли ишлаш, норасмий фаолият юритаётган субъектларни рағбатлантирувчи механизмлар орқали яширин иқтисодиётдан олиб чиқиш кераклиги айтилди. Савдо, умумий овқатланиш, транспорт ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида пластик карталар ва бошқа турдаги контактиз тўловларни айланма даромад солиғини ҳисоблаш базасига киритмаслик таклифи билдирилди.

Давлатимиз раҳбари кичик бизнес субъектлари учун солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш, тадбиркорлик фаолиятига рўхсат бериш ва лицензиялашдаги ортиқча тартиб-таомилларни янада қисқартириш зарурлигини таъкидлади.

Масалан, 100та лицензия ва 34та рўхсатномани қисқартириб, хабардор қилиш тартибига ўтказиш, яна кўпларини соддалаштириш, 14та ҳужжатни бериш муддатларини 2 баробаргача қисқартириш мумкин. Ушбу чоралар натижасида тадбиркорлар йилига 125 миллиард сўм иқтисод қилиш имконига эга бўлади.

Шунингдек, 43та идоранинг 270та назорат функциясини танқидий ўрганиб, яширин иқтисодиёт ва коррупцияга сабаб бўлаётган ваколатларини қисқартириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ўз навбатида, коррупция ва яширин фаолиятга муккасидан кетган ноинсоф тадбиркорларга нисбатан жавобгарликни кучайтириш зарурлиги айтилди.

Яширин иқтисодиётни тармоқлар ва соҳалар бўйича таҳлил қилиш талаб даражасида эмаслиги кўрсатиб ўтилди. Халқроқ экспертларни жалб қилган ҳолда, бир вилоят мисолида яширин иқтисодиётнинг статистик ҳисоботи жорий этилиши белгиланди.

Коррупция ва яширин иқтисодиётга қарши курашишда асосий куч бизнес ва жамоатчиликдир. Шу боис жамиятда бу иллатларга нисбатан нафрат туйғусини шакллантириш, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали уларнинг салбий оқибатларини ёритиб бориш муҳимлиги қайд этилди.

Яширин иқтисодиётга қарши курашиш тадбиркорларни жазолаш, уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилиш дегани эмас. Бу аниқгина пандемия даврида катта аҳамиятга эга. Жойларда жамоатчилик назоратини кучайтириш орқали майда коррупцияга ҳам қатъий чоралар кўриш зарур, - деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда белгиланган чора-тадбирлар юзасидан ҳар бир вазирлик ва тармоқ олдига йил якунида аниқ кўрсаткичларга (KPI) эришиш вазифаси қўйилди.

АГРАР СОҲА РАҚАМЛАШТИРИЛМОҚДА



Электрон давлат хизматлари

Ер ҳамда кўчмас мулк муносабатларини тартибга солиш йўналишида Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали бугунги кунда 8 та электрон давлат хизматлари жорий қилинган бўлиб, 50 мингга яқин аризалар келиб тушган.

Мазкур йўналишда аҳолига қўшимча қатор қулайликларни яратиш, энг асосийси мазкур йўналишда "инсон омили"ни чеклаш мақсадида жорий йил якунига қадар 5та давлат хизматлари тақомиллаштирилади.

Ер муносабатлари, қишлоқ ва сув хўжалиги ресурсларини бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида рақамли ҳамда геоахборот технологиялари тизимини жорий этиш юзасидан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги олдида ҳам аниқ вазифалар кўйилган. Республикада геоахборот технологияларини ривожлантириш мақсадида соҳада етук тажрибага эга бўлган хорижий компанияларнинг тажрибаси ўрганилди.

Хозирги кунда хорижий компанияларнинг ерни масофадан зондаш йўлдошлари олган космик суратларни республикамиз ҳудудида қабул қилиш ва уларга ишлов бериш учун "виртуал" қабул қилиш станцияси (геоахборот маркази)ни ташкил этиш лойиҳаси бўйича таклифлар ўрганилмоқда.

Мазкур лойиҳа — геоахборот технологияларини трансфер қилиш ва маҳаллий мутахассисларни халқ

аро даражада тайёрлашни ҳам ўз ичига қамраб олади.

Бунинг натижасида космик суратларни қабул қилиш ҳамда уларга ишлов бериш орқали геодезия, картография ва кадастр йўналишлари, ноқонуний қурилышларнинг олдини олиш ишлари самарадорлиги таъминланади.

"Монтерра" лойиҳаси

Айтиш жоизки, бу борада аниқ ишлар изчиллик билан ривожланиб келмоқда. Масалан, Андижон шаҳрида яқинда очилган IT-Парк филиалида "Монтерра" номили пилот лойиҳа амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳанинг мақсади "сунъий интеллект" технологиялари ёрдамида Андижон вилояти шароити учун мослаштирилган ҳамда қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг ҳолатини (сунъий йўлдош тасвирлари тахлили натижасида аниқлаш орқали) объектив баҳолаш ҳисобланади.

Лойиҳа доирасида Андижон вилоятининг жами бта майдонлари танлаб олиниб, вектор форматда "Монтерра" онлайн платформасига joyлаштирилди.

Шунингдек, ер эгаларига сунъий йўлдош технологиялари ёрдамида экинлар ҳолатига тегишли хулосалар берилади.

"Монтерра" онлайн платформаси орқали қишлоқ хўжалиги ерларини сунъий йўлдошлардан фойдаланган ҳолда, хариталарнинг турли хил мураккабликларини яратиш учун ернинг муайян

худудларини тасвирга олади ва кейинчалик ҳосилдорлиқни таҳлил қилиш учун тизимда сақлайди.

Мазкур лойиҳани амалга оширишда Технопарк қошида янги резидент ташкил этилади ва 7 нафар малакали дастурчилардан иборат мутахассисларни қишлоқ хўжалиги соҳасида малакаси оширилади.

Мазкур платформа ҳозирги кунда Давергеодезкадастр кўмитасининг "Ер ахборот" тизими билан ўзаро интеграция қилинди.

Лойиҳа сентябр ойда ишга тушади ва Андижон вилоятидаги барча экин майдонларининг тахлилий маълумотлари шакллантирилиб, ер эгаларига тақдим этиш имконияти яратилади.

Президент вазифа кўйди

21 июл куни Президентимиз ер ҳисоби ва давлат кадастрларини тўлиқ шакллантириш, соҳага рақамли технологияларни жорий этиш масалалари бўйича йўналиш ўтказди. Ушбу йўналишда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги олдида ҳам бир қатор вазифалар кўйилди.

Жумладан, йўналишда, кадастр идоралари зиммасига ернинг ҳисоби ва балансини юритиш, йил якунига қадар ер тури, контури, чегараси ва фойдаланувчиси ҳақидаги маълумотлар жамланган ахборот тизимини ишга тушириш вазифаси юкланди.

Энди ер ажратиш тўғрисидаги

қарор мазкур тизимга киритилсагина ҳақиқий ҳисобланади. Шунингдек, сунъий йўлдош каналларини ижарага олиш ва сигналларни қайта ишлаш тизимини ташкил этишга кўрсатма берилди. Бу эса космосуратларни йиллар бўйича таққослаш орқали ҳосилдорлиқни таҳлил қилиш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини мунтазам ўрганишда қўл келади.

Йил якунига қадар қишлоқ хўжалиги майдонларини электрон танлов ва аукцион асосида ажратиш тартибини жорий қилиш, халқаро экспертларни жалб этган ҳолда ер тоифаларини оптималлаштириш борасидаги ишлар ўз вақтида бажарилишида вазирлик бошқа мутасадди ташкилот ва идоралар билан яқиндан ҳамкорликда иш олиб боради.


Ернинг ўлчамидан тортиб, тахлилигача бўлган амалий жараёнларни сунъий йўлдошлар ёки дронлар орқали амалга ошириш мумкин. Шу боис, йил охирига қадар ушбу йўналишда бажарилиши лозим бўлган ишлар, жумладан, қишлоқ хўжалигида картография, ерларнинг ҳисоби, тахлилий рақамлаштириш бўйича аниқ вазифалар белгиланди. Зеро, бугун қишлоқ хўжалигини рақамлаштирмасдан туриб соҳада рақобатбардошлиқни ошириш, бу борадаги сиёсатни белгилаш жуда қийин.

Мазкур вазифаларнинг самарали амалга оширилиши, шубҳасиз, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади, замонавий тарққиётнинг янги қирраларини ўзлаштиришга хизмат қилади.



Хозирги кунда хорижий компанияларнинг ерни масофадан зондаш йўлдошлари олган космик суратларни республикамиз ҳудудида қабул қилиш ва уларга ишлов бериш учун "виртуал" қабул қилиш станцияси (геоахборот маркази)ни ташкил этиш лойиҳаси бўйича таклифлар ўрганилмоқда.

СТАРТАПЛАР



Бу йил Ўзбекистонда технологик тадбиркорлик кўрсаткичларини ўлчаш алоҳида аҳамият касб этди. Бизнеснинг барча соҳаларига у ёки бу тарзда таъсир қилган пандемия стартапларга ҳам таъсир қилиши турган гап. Ўтказилган тадқиқот инвесторларга, венчур капитал фондлари вакилларига ва давлатга Ўзбекистондаги стартапларнинг эҳтиёжлари ва ҳолатини яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

Тадқиқот доирасида мутахассислар Ўзбекистондаги 120дан ортиқ инновацион стартапларнинг асосчиларидан интервью олдилар: компания қанча даромад олади, қаердан сармоя излайди, қандай маҳсулотни тақомиллаштиради, ташқи бозорларга чиқишни кўзлайдимиз ва ривожланиш институтларидан молиявий кўмак оладими ёки йўқми...

Ўзбекистонда илк марта стартаплар муҳитида тадқиқотлар ўтказилди

Ўзбекистоннинг венчур инвестициялари ассоциацияси томонидан "Sturgeon Capital" инвестиция фонди, IT-Park Uzbekistan, "Universal Bank" OATB ва "Centil Law" юридик фирмаси кўмагида ўтказилган "Uzbekistan Startup Indicator 2020" тадқиқотларига кўра, Ўзбекистондаги стартаплар асосан молиявий, тиббий ва таълимий технологияларни ривожлантиришга қаратилган.

Ўзбекистоннинг стартап инфратузилмаси 5 тоифада тадқиқ қилинди: Тадбиркорлик бўйича таълим; Ҳўнинг концепциясидан бошлаб бозорни ишга туширишга

қўллаб-қувватлаш; Таклиф қилинган капитал; Нетворкинг; Экспертиза.

Тадқиқот шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда қўшимча юқори қийматга эга инновацион технологик корхоналарни ташкил этиш учун етарли даражада шароит ва инсон ресурслари мавжуд:

● ҳам давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган дастурлар (IT-Park Startup dasturlari, CAT Accelerator, Startup Factory, IdeaThon, GameDev, WomenITech, WVA ва бошқалар), хусусий инкубация, акселерация дастурлари (IdeaLab, Startup Factory, IdeaThon, GameDev, WomenITech, WVA ва бошқалар), шунингдек, коворкинг марказлари (Ground Zero, C-Space ва бошқалар);

● Татсисчиларнинг 80 фоизи 30 ёшга ча бўлган ва олий маълумотли ёшлардир, уларнинг асосий қисми B2B секторига йўналтирилган;

● "Covid-19" билан боғлиқ вазиятга қарамай, суриштирилган бошлангич асосчилардан кўпчилиги ўсишни режалаштирмоқдалар ва уларнинг 93 фоизи эса яқин келажакда янги ишчиларни жалб қилишни кўзлашган;

● стартаплар асосан FinTech, Medtech, EduTech соҳаларида ривожланадилар ва уларнинг 50 фоизи бултурги стартапни ишга туширишда ижобий тажрибага эга;

● суриштирилган стартапларнинг 70 фоизи минимал ҳаётини маҳсулотга эга, йиллик даромади 10 000 доллардан ошади ва суриштирилганларнинг яримдан кўпи турли хил акселерация дастурлари, хақотонлар, танловлардан ўтган;

● суриштирилганларнинг 85 фоиздан ортиги лойиҳада улушга эгалар ва лойиҳанинг истиқболдаги ривожини учун 50 000 доллардан кам миқдордаги капиталга муҳ

тожлар. Шу билан бирга, тадқиқот, таъсисчилар ўз бизнесларини ривожлантиришда дуч келадиган қийинчиликларни ҳам кўрсатиб берди:

● яримдан кўпроги (89%) ривожланиш учун таклиф этилаётган капиталнинг етишмаслиги, шунингдек, йирик компанияларнинг стартаплар билан ҳамкорлик қилишга қизиқиши йўқлиги, бу бизнеснинг кўламини мураккаблаштиришини;

● капитал билан бир қаторда, муассислар тадбиркорлик тажрибасига (ақли капиталга) муҳтож ва малакали мутахассислар (дастурчилар, маркетинглар) бозори кичиклигини қайд этишган;

● стартапларнинг асосий қисми ички бозорга йўналтирилган ва 10 фоздан камроқни ташкил қилувчи лойиҳалар глобал бозорларга чиқишни режалаштирмоқда;

● лойиҳа ҳаммуассисларининг жинси бўйича тақсимот баланси технологик ривожланган мамлакатлардагига нисбатан анча паст.

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ НИМАНИ АНГЛАТАДИ?



11 март куни Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) раҳбари Тедрос Аданом Гебреисус коронавирус инфекцияси билан боғлиқ вазият "пандемия сифатида таърифланиши мумкин"лигини эълон қилди. Ҳақиқатда сўнгги икки ҳафта давомида Хитойдан ташқарида касалликни юқтириш сони 13 баробар, коронавирус тарқалиши қайд этилган мамлакатлар сони 3 баробар кўпайди.

Пандемия нима дегани?

"Пандемия" грекча сўздан олинган бўлиб, "бутун халқ" деган маънони билдиради. ЖССТ маълумотига кўра, пандемия янги касаллик жаҳон миқёсида тарқалганда, аҳолининг аксариятида кўзгатувчи иммунитет бўлмаганда келиб чиқади. Грипп пандемияси чўққиси одатда мавсумий грипп бошланган даврга тўғри келади, бироқ бошқа касалликлар билан боғлиқ пандемия ёзда ҳам авж олиши ҳеч гапмас.

Пандемия эълон қилиниши нимани аналатади?

Пандемия эълон қилиниши ўзига хос талаб ёки чекловларни жорий этишни аналатади. Бу вирус тарқалишининг расмий босқичи бўлиб, унга кўра касалликнинг тарқалиши муайян жойда эмас, кўплаб мамлакатларда қайд этилади.

ЖССТ таърифида, одатда пандемияда касалликнинг оғирлиги ёки асоратлари мавсумий хасталикларга қараганда кучлироқ кечди, чуқри одамлар янги вирусга қарши иммунитетга эга бўлмади. Аҳолининг кўп қисми касалликни юқтирганда оғир ҳолатларнинг умумий сони кўпроқ бўлиши мумкин, ҳатто дард аксарият кишиларда энгил кечса ҳам.

"Пандемия" атамаси касаллик кўлами ва тарқалиши билан ифодланади. Ҳозир (27 июл ҳолатига кўра – тахририят) коронавирус 215та давлатда қайд этилган, бироқ уларнинг ҳар бирида касалликлар сони турлича: бирида – тўрт ярим миллионга яқинлашиб қолган бўлса, бошқасида – ўн-ўн беш мингта. Хуллас, пандемия эълон қилиниши инфекциянинг муайян ҳудудда эмас, деярли барча қитъаларга тарқалганини аналатади.

У эпидемиядан нимаси билан фарқ қилади?

Инфекцион касалликлар бўйича мутахассис Галина Кожевниқованинг сўзларига кўра, эпидемия қандайдир табиий ўчоқ (муайян давлат ҳудуди) ёки инфекция манбаи (масалан, ичак инфекциялари учун сув, озиқ-овқат маҳсулотларини нотўғри тайёрлаш, санитария-эпидемия тартибининг бузилиши ва ҳоказолар юқтириш омиллари ҳисобланади) билан чекланади. Сўнгра вирус эпидемия ўчоғи бўлган мамлакатдан бошқа давлатларга тарқалиши мумкин. Пандемияда инфекция ҳамма жойда учрайдиган вазият келиб чиқади.

"Эбола безгаги ўлим даражаси юқори

бўлган жиддий касаллик ҳисобланади. Бироқ бунда фақат эпидемия тўғрисида гапирилди, негаки у битта жойда тарқалди ва муайян инфекция манбаи билан боғлиқ эди. Пандемия ҳақида ҳеч ким гапирмади, безгак амалда битта ҳудуд тарқалди", – деб изоҳлайди эксперт.

Нега ЖССТ пандемияни март ойида эълон қилди?

ЖССТ изоҳича, март ойи бошларида коронавирус инфекциясининг тарқалиш тезлиги ортиб борган. "ЖССТ экспертлари вазиятни мунтазам таҳлил қилади ва бу борада йиғилишлар ўтказилади. Дастлаб улар коронавирус аксарият мамлакатлар учун ўнчалик хавф солмади, дейишганди. Бироқ беморлар миқдори кўп бўлган мамлакатлар сони ортгач, улар касалликнинг тарқалиши пандемия эълон қилиш даражасига етди, деган хулосага келишди", – дейди Кожевниқова.

Шунга қарамай, экспертнинг фикрича, ўшанда эпидемиология нуқтаи назаридан мавжуд шароитлар (касалланганлар сони, тарқалиш тезлиги) пандемия эълон қилиш учун етарли эмасди. ЖССТ барча давлатларни жалб этиши, яъни соғлиқни сақлаш идоралари фаолиятини қучайтириш ҳамда молиявий иштироки рағбатлантириш учун ҳам шундай йўл тутганди.

"Тиббий нуқтаи назардан ташқари, иқтисодий томони ҳам бор. Агар пандемия, яъни жаҳон миқёсидаги хавф-хатар эълон қилинадиган бўлса, барча давлатлар муаммони ҳал этишда максимал даражада молиявий иштирок этиши зарурлигини назарда тутди. Улар илмий изланишлар, даволаш чоралари ва ҳоказоларга маблағ ажратиши зарур", – дейди Кожевниқова.

Дарҳақиқат, ЖССТ мамлакат ҳукуматларига вирусга қарши препаратлар ва бошқа тиббий мақсаддаги буюмлар ҳамда вакциналар тарқатишни, шунингдек, сотиб олишни, вакциналар ишлаб чиқаришни молиялаштиришда ҳамкорлик қилишни, оммавий вакцинацияга тайёр туришни тавсия этади. Пандемия таъсир қилмаган давлатларга жаҳон ташкилоти дориларни етказиш ва тарқатишни йўлга қўйиши, халқро чегараларда вирусга текширувни жорий этиши, турли профилактик чоралар кўришини маслаҳат беради.

Бу касаллик энг чўққисига етганини билдирадими?

Кожевниқованинг таъкидлашича, касаллик тарқалиши ёки эпидемия тўғрисида гапиришга имкон берувчи мезонлар мавжуд. Бунда улар турли инфекцияларга қараб фарқланади: бир касаллик эпидемияси 20 мингта одам юқтирганда эълон қилинса, иккинчисида кўпроқ ёки камроқ инсон касалланганда ҳам шундай йўл тутилиши мумкин. Одатда касалликни юқтирганларнинг тўлиқ сони эмас, яна қайд этилган кўрсаткич ҳам ҳисобга олинади.

"Пандемия учун иккита мезон муҳим: биринчиси – барча қитъаларда учраши, иккинчиси – муайян вақт оралиғида янги ҳолатларнинг яна авж олиши. Шарти –

10 кунда 20 мингта янги ҳолат. Бунда ўсиш нима билан боғлиқлиги аниқланади. Масалан, Россияга ҳаммаси Хитойдан ёки Италиядан кириб келган", – дейди эксперт.

Пандемияда барча мамлакатлар учун умумий чоралар жорий этиладими?

Пандемия ҳолатида ЖССТнинг аввал берган тавсиялари ҳам амал қилади. Бунда ҳар бир мамлакат ўз ихтиёрига кўра чоралар кўриши мумкин.

"Барча мамлакатларда пандемияга қарши карантин тадбирлари кўрилган. Уларнинг жадаллиги ҳам ҳар хил. Баъзи давлатлар ўз ҳудудида касаллик тарқалганидан келиб чиқиб чоралар кўради. Бироқ шундай халқро тавсиялар ҳам мавжудки, уларни барча давлатлар инобатга олиши зарур. Парвозларни чеклаш ёки тўхтатиш шулар жумласидан", – дейди инфекциянинг касалликлар бўйича мутахассис.

COVID-19 ва бошқа инфекциялардан ўлим кўрсаткичи

2019 йилнинг охириги куни ЖССТга Хитойдаги Хубэй провинцияси Ухань шаҳрида бир неча пневмония ҳолати қайд этилгани тўғрисида маълумот келиб тушди. Касаллик кўзгатувчиси коронавируснинг янги штамми бўлиб, у илгари одамларда аниқланмаган. У 2019-nCoV ёки "янги коронавирус" номи билан атала бошлади. ОАВда уни, шунингдек, "Хитой коронавируси" ҳам дейишди. 11 феврал куни ЖССТ мазкур коронавирус қақирган касалликка расмий ном берди: COVID-19 ("corona virus disease 2019" сифатида кенгайтирилади).

2019-nCoV респираторли вирус ҳисобланади ва одамдан одамга юқади. Асосан бемор билан яқин алоқада бўлганда унинг нафас йўлларида, масалан, йўталганда ёки аксирганда ажраладиган томчи орқали тарқалади.

ЖССТ маълумотига кўра, коронавирус учналик чидамли эмас: уни оддий дезинфекцияловчи воситалар ёрдамида ҳалок қилиш мумкин. Бироқ буюмлар юзасида қанча вақтгача яшاشи турлича талқин этилмоқда. Тахминларга кўра, 2019-nCoV бир неча соатгача яшовчанлик қобилиятини сақлаб қолиши мумкин.

Хитой Халқ Республикаси Соғлиқни сақлаш давлат қўмитаси юқумли касалликлар бўйича экспертлар маслаҳат кенгаши аъзоси Цзян Жунмэн фикрича, коронавирус одам танасидан ташқарида бир неча кунгача яшай олади. Масалан, 40% нам жойда ва 20 даража ҳароратда – 5 кунгача жон сақлайди. Бироқ, унинг айтишича, 2019-nCoV фақат буюмлар юзасида яшайди, ҳавода эса йўқ.

COVID-19 коронавирусни қурбонлари сони кундан-кунга кўпаймоқда. Бугунга келиб у бошқа хавфли вируслар тарқалган вақтдаги ўлим кўрсаткичидан анча юқорилаб кетди. Масалан, 2002 йилда атипик зотилжам (пневмония) ва 2013 йилда Яқин Шарқ респиратор синдроми қақирган парранда гриппининг икки штамми, чўчка гриппи ва коронавирус (эски) тўфайли

“Хитой Халқ Республикаси Соғлиқни сақлаш давлат қўмитаси юқумли касалликлар бўйича экспертлар маслаҳат кенгаши аъзоси Цзян Жунмэн фикрича, коронавирус одам танасидан ташқарида бир неча кунгача яшай олади. Масалан, 40% нам жойда ва 20 даража ҳароратда – 5 кунгача жон сақлайди. Бироқ, унинг айтишича, 2019-nCoV фақат буюмлар юзасида яшайди, ҳавода эса йўқ.”



	HSN1 Парранда гриппи	SARS Аттилик этилатим	H1N1 Чўчка гриппи	H7N9 Янги парранда гриппи	MERS Яқин Шарқ респиратор синдроми	COVID-19 Янги коронавирус (27.07.20)
Касаллик ҳолати илк бор қайд этилган йили	1997	2002	2009	2013	2013	2019
Ўлим кўрсаткичи	52,8%	9,6%	17,4%	34,4%	39,3%	4%
Касалланганлар сони	861	8 096	1 632 258	2 494	1 568	16 325 352
Ҳалок бўлганлар сони	455	774	284 500	858	616	650 429
Вирус қайд этилган мамлакатлар сони	18	29	214	28	3	215

Вирусларнинг танадан ташқарида яшаш мuddати

КОРОНАВИРУС 2019-NCOV

Нам жойда 40% ва +22°C ҳароратда – бир неча соатдан 5 кунгача яшайди.
Дезинфектантларга чидасиз. 56°C даражагача қиздирилганда 15 дақиқада ҳалок бўлади.

ГРИПП ВИРУСИ

Ҳарорати +22°C бўлган хонада – 2 соатдан 9 соатгача яшайди.
Одамнинг кўлида – 5 дақиқа.
Металл ва пластмассада – 24–48 соат.
Совиткичда (+3°C – +4°C) – 7 кунгача.
Матолардан тикилган буюмларда (сочик дастурмол) – 11 кунгача ўлмайди.
+60°C ҳароратда бутунлай ҳалок бўлади.
Дезинфекцияловчи воситаларнинг барча гуруҳларига таъсирчан.

РОТАВИРУСЛАР

Беморлар ахлатида – бир неча ҳафтадан 7 ойгача.
Водопровод сувида – 2 ойгача.
Ташқи муҳитдаги турли объектларда – 45 кунгача.
Мева-сабзавотлар юзасида – 5-30 кунгача яшайди.
Эфир ва детергентлар, нордон муҳит pH (3,0), оддий дезинфектантларга таъсирчан. 50°C даражагача қиздирилган ҳароратга дош беради, оддий хлорланган сувда ўлмайди.

ОИВ

Ҳавода – бир неча дақиқа яшайди.
Шприц 22°C дан 37°C гача бўлган ўзгармас ҳароратда – 2 – 7 кунгача.
Қайнатилганда – 1 дақиқа, 56 даражагача қиздирилганда – 30 дақиқа.
Дезинфекцияловчи воситалар 3 – 5 дақиқада ҳалок қилади.

ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ В

Қанда хона ҳароратида – 3 ойгача.
Қуритилган плазмада – 25 йилгача.
Қайнатилганда 30 дақиқагача, қуруқ жазирамада (+160°C) 1 соатгача дош беради.

80% этил спирти билан ишлов берилганда фаоллигини сақлаб қолади.

ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ С

Қанда +6 дан +20°C гача бўлган ҳароратда – 1,5 ойгача.
Қанда хона ҳароратида – 80 – 96 соат.
60°C гача қиздирилганда – 15 – 30 дақиқа.
Қайнатилганда – 3 – 5 дақиқа яшайди.
Вирус қон билан алоқада бўлган буюмларда узоқроқ сақланиб қолади: тиббий асбоб-ускуналар, устара, қайчи, пинцет.

ҚИЗИЛЧА ВИРУСИ

Хона ҳароратидаги ҳавода – бир неча соат давомида яшайди.
Ультратрабинофа нурлар, оддий дезинфектантлар, pH нордон (6,6 дан паст) ва ишқор (8,1 дан юқори) томонга ўзгарishi таъсирида тез ҳалок бўлади.

ҚИЗАМИҚ ВИРУСИ

Ҳавода ва буюмлар юзасида –15 – -20°C бўлган ҳароратда – бир неча ҳафтагача.
Ҳавода ва буюмлар юзасида хона ҳароратида – 2 соатдан 2 кунгача яшайди.
Қизмиқ кўзгатувчиси ультратрабинофа нурлар ва кундузги ёруғликка таъсирчан. Антибиотикларга чидамли.

СУВЧЕЧАК ВИРУСИ

Одам танасидан ташқарида – 10 дақиқагача яшайди.
Кўёш радиацияси, шамоллатганда тоза ҳаво, дезинфекцияловчи воситалар вирусни шу заҳоти ўлдирди.

ЯНГИ КОРОНАВИРУС COVID-19 ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

Хитойда 2019 йил декабрда аниқланиб, деярли бутун дунёга тарқалди.
Коронавирус нафас олиш ҳужайраларини шикастлайди.
Инкубацион даври 2 кундан 14 кунгача давом этади. Ҳозирги кунда вируснинг тарқалиши асосан одамдан одамга, кўпинча яқин алоқа туфайли ўтиши эвазига таъминланмоқда.

КОРОНАВИРУС АЛОМАТЛАРИ

- Ўтала
- Нафас сиқishi
- Ўпка етишмовчилиги
- Юқори тана ҳарорати
- Ич кетиши
- Қайт қилиш

ХАВФ ГУРУҲИГА КИМЛАР КИРАДИ?

Янги коронавируси барча ёшдагилар юқтириши мумкин. Ёши катта, сурункали касалликка чалинган, иммунитети заиф одамлар хавф гуруҳидадир.

ЮҚТИРИБ ОЛИШ ХАВФИ ҚАНДАЙ КАМАЙТИРИЛАДИ?

Ўқтириш тез-тез ва яхшилаб совунлаб оқар сувда ювиш.
Спиртли дезинфекцияловчи воситалардан фойдаланиш. Овқат қилиш давомида ҳамда ундан олдин ва кейин, шунингдек, овқатланишдан олдин, ҳолатхонадан ёки ҳайвон билан алоқадан келин қўлларни ювиш.

ҳалок бўлганлар сони анча кўпчилиги ташкил этган. Бу кўзгатувчилар бутун дунё бўйича қарийб 300 минг кишининг ёстиғини қуритган.

Юзни қўл билан ушламаслик

Зарурат бўлмаса, кўчага чиқмаслик. Ўйталганда, бурун қоққанда ва аксирганда оғиз билан бурунга букилган тирсак, енг ёки салфеткани тутиш. Ундан кейин салфеткани дарҳол ахлатга ташлаш ва қўлни ювиш.

Шамоллаш ёки грипп аломатларига эга одамлар билан яқин алоқа қилишдан чекиниш. Яқин алоқа деганда бемор билан икки метр доирасида, у билан бир хонада ёки узоқ вақт мобайнида касал юқтирган беморга қараш ҳудудида индивидуал химоя воситаларисиз (халат, қўлқоп, ниқоб) бўлиш тушунилади. Шунингдек, яқин алоқа бемор бўлган хонага қатнаш, касал юқтирган одамдан ажралиб чиққан суюқлик, масалан, балғам, билан алоқани ўз ичига олади.

Касалликнинг илк аломатлари кузатилганда, уйда қолиб, дарҳол шифокорни оғохлантириш ва тегишли чораларни кўриш.

Шунингдек, инфекциядан химояланиш учун тиббий ниқоб тақиб юриш шарт.

Яна соғлом турмуш тарзи қоидаларига риоя этиш ҳам жуда муҳим.

Овқат тайёрлаётганда қуйидаги эҳтиёт чораларини кўриш шарт

• Хом гўшт ва пиширилган маҳсулотлар учун алоҳида пиноқ ва чопиш тахталарини ишлатиш.

• Пиширилган маҳсулотлар билан муомала қилишдан олдин хом маҳсулотларни, айниқса, гўшт ва сут маҳсулотларини, ушлагандан кейин қўлларни астойдил ювиш.

• Гўшт маҳсулотларини овқатга ишлатиш шарти шуки, улар яхшилаб қайнатилган/қовурилган, яъни пухта пиширилган бўлиши керак.

• Касал ҳайвон ёки дард оқибатида ўлган ҳайвон гўштини овқатга ишлатмаслик.

• Келиб чиқishi ҳайвонотга мансуб маҳсулотлар хоми ёки чала қайнатилганларини истеъмол қилишдан чекиниш. Кесиш чоғида зарарланишга йўл қўймаслик учун хом гўшт, сут билан эҳтиёткор муомала қилиш лозим. Сутни яхшилаб қайнатишни унутмаслик керак.



Нима учун пандемия камдан-кам ҳолларда эълон қилинади?

Охириги пандемия 2009-2010 йилларда H1N1 чўчка гриппи тарқалганда эълон қилинганди.

"Пандемия эълон қилиниши – бу ноёб ҳодиса. Касаллик барча қитъаларда қайд этилганда ҳамда юқish ҳолатлари кўпайгандагина у ҳақда гапирилади. Одатда пандемия касаллик бошланғач бир-икки ой давомида эълон қилинмайди. Бунга коронавирис билан боғлиқ ҳолат мисол. ОИВ-инфекцияси пандемияси тўғрисида илк ҳолат қайд этилганидан 10 йил ўтган гапира бошлашди. Бу вақтга келиб касаллик деярли барча мамлакатларда учраб бўлганди", – дейди Кожевникова.

Қандай шароитларда пандемия тугагани эълон қилинади?

ЖССТ касаллик ҳолати камай бошлаганда ва вирус янги ҳудудларда тарқалмай қўйганда пандемия тугагани эълон қилиши мумкин.

"Хитой аллақачон мамлакатда эпидемия камайганини эълон қилганди. Лекин ҳозирга келиб, яна 100тадан 200тагача ҳолат кузатилмоқда. ЖССТ буларнинг барини таҳлил қилади ва динамикани кузатади. Пандемияни тугатиш уни эълон қилиш каби масъулиятли қарордир. Чунки уни эрта бекор қилиш ҳам ёмон", – дея таъкидлайди мутахассис.

Ш.ИСРОИЛОВА тайёрлади

ЧТО НОВОГО ВСТУПАЕТ В СИЛУ В УЗБЕКИСТАНЕ С 1 АВГУСТА

АВГУСТ

1 ЧТО
ИЗМЕНИТСЯ?

С 1 августа 2020 года в Узбекистане вступают в силу несколько нововведений. В их числе отмена акциза на импорт автомобилей, ввод утилизационного сбора, лишение БПИ нескольких полномочий и многое другое.

Отменяется акциз на импорт легковых автомобилей

■ Ожидается, что это положительно скажется на конкуренции на внутреннем рынке. До этого действовала комбинированная ставка, которая вычислялась исходя из объема двигателя. Как правило, это было несколько тысяч долларов. Ставки таможенной пошлины, которые тоже являются сложными, остаются в силе.

Вводятся утилизационный сбор для автомобилей

■ Ставки, в зависимости от категории, года выпуска автомобиля и объема двигателя, составляют от 30 до 1410 базовых расчетных величин. Плательщиками сбора считаются компании и физические лица, которые импортируют автомобили в Узбекистан или продают на территории страны.

Запускается эксперимент с апелляциями советами

■ Эти советы будут рассматривать обращения о нарушении прав, свобод и интересов в результате незаконных действий (решений) либо бездействия государственных органов или должностных лиц.

Цифровизация в строительстве

■ С 1 августа в Ташкенте, а со следующего года во всех регионах надзорные процессы будут автоматизированы с введением в онлайн-платформу всех выявленных недостатков с фотофиксацией.

Второй этап перехода на онлайн-кассы

■ Первыми на них перешли компании, продающие алкогольную и табачную продукцию, лекарства, бензин, дизельное топливо и газ для автомобилей. Вторыми будут компании, чья выручка по итогам прошлого года превысила 5 млрд. сумов – срок до 1 августа 2020 года.

Бюро принудительного исполнения лишается нескольких полномочий

■ Среди них организация и проведение мониторинга внедрения систем контроля и учета потребления электроэнергии газа, альтернативных источников энергии, а также многое другое.

Цифровизация таможи

■ С 1 августа организации железнодорожного транспорта в онлайн-режиме и бесплатно предоставляют в таможенные органы информацию о перемещении внутри страны вагонов и контейнеров, находящихся под таможенным контролем.

Запускается билетная система на блокчейне

■ Первыми к ней подключат Государственный Академический Большой театр имени Алишера Навои, Узбекский национальный академический драматический театр, Узбекский государственный музыкальный театр им. Мухоми и Бухарский государственный архитектурно-художественный музей.

Вводятся стимулирующие меры для продавцов электроэнергии

■ Из-за отсутствия четкого механизма и низкой стоимости закупа электроэнергии, за прошедший период не было ни одной

заявки на продажу такой энергии государственным энергетическим компаниям. Чтобы повысить интерес определено, что с 1 августа за вычетом всех затрат на транспортировку, распределение и сбыв, тариф поднимается до 400 сумов за кВт/ч.

Вступает закон об управлении многоквартирными домами

■ Его приняли еще в 2019 году, но решили сначала посмотреть, насколько "приживутся" новые нормы. До 1 мая 2020 года должен был быть проведен правовой эксперимент по апробации норм нового закона в Яккасарайском районе Ташкента, а также в Джизаке и Маргилане.

Под вопросом из-за карантина возобновление работы государственных детских садов

■ В середине июня анонсировали начало работы с 1 августа, но из-за карантина этого может не случиться.

Режим "открытого неба"

■ В аэропортах Карши, Нукуса, Термеза, Бухары, Навои и Ургенча режим должны были ввести без каких-либо ограничений. Правда, пассажирские международные и внутренние рейсы пока запрещены.

Электронная оплата проезда в Нукусе и областных центрах

■ Это было утверждено еще в ноябре 2019 года. С 1 января система заработала на некоторых автобусных маршрутах и в метро Ташкента, с 1 января 2021 года должна быть запущена по всей стране. Правда, работа общественного транспорта приостановлена.

CES 2021 пройдет в онлайн-режиме. В вторник Consumer Technology Association официально объявила, что CES 2021 пройдет в онлайн-режиме из-за сохраняющейся ситуации с распространением коронавируса.

CES уже много лет является крупнейшей в мире технологической выставкой, и, как правило, именно на ней или в ее кулуарах крупнейшие компании анонсируют свои новинки. В выставке CES 2020, которая проходила в этом году, приняли участие 171 268 человек, приехавшие на мероприятие со всего мира.

Samsung опубликовала очередной тизер предстоящего мероприятия Unpacked 2020, которое состоится 5 августа.

Помимо Galaxy Note20/Galaxy Note20 Ultra также будут представлены – смартфон со сгибающимся экраном Galaxy Z Fold 2, беспроводные наушники Galaxy Buds Live, smart-часы Galaxy Watch 3 и планшет Galaxy Tab S7.

Рынок складных смартфонов в 2021 г. достигнет 10 млн. устройств. Согласно данным, полученным аналитиками Digitimes Research из источников в индустрии, многие крупные компании, включая Samsung Electronics, LG Electronics, Asustek Computer и Lenovo, активно работают над складными моделями смартфонов.

Однако лидирующее положение здесь сохранится за Samsung. На фоне недавнего запуска в серию модели Galaxy Z Flip 5G, уже в будущем году аналитики ожидают увеличение объема мирового рынка складных смартфонов до 10 млн. устройств.

Intel после обвала акций, последовавшего за сообщением ее главы о переносе старта перехода на новые технологии производства чипов, объявила о планах по масштабной реструктуризации.

Сообщается о том, что компанию покинул Мурти Рендучинтала (Murthy Renduchintala) – второй человек в компании, возглавлявший подразделение Technology, Systems Architecture and Client Group (TSCG), которое отвечало за все технологические разработки Intel, включая и создание производственных процессов. Стоит отметить, что Рендучинтала до 2015 года работал в Qualcomm, которая к тому моменту достигла заметного прогресса в том числе и в разработке процессоров для мобильных устройств.

Группа TSCG будет расформирована, на ее месте создадут пять подразделений.

5G поддерживает каждый третий продаваемый в Китае смартфон. Продажи смартфонов на китайский рынок во втором квартале года упали на 17% "YoY" – сообщает Counterpoint Research. Однако в квартальном сравнении наблюдался рост в размере 9%, что говорит о постепенном восстановлении рынка после удара COVID-19.

Благодаря работающим в Поднебесной вендорам и операторам услуг связи, предлагающим недорогие тарифные планы и доступные смартфоны, адаптация в стране 5G идет рекордными темпами. Новый стандарт поддерживал уже каждый третий, проданный во втором квартале смартфон.

Лидером в Китае остается Huawei, сконцентрировавшая за собой почти половину (46%) локального рынка. Причем, в сегменте 5G компания оставила за собой 60% рынка.

IT-PARK

IT-PARK АНОНСИРОВАЛ СОЗДАНИЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ СБОРНОЙ ПО РОБОТОТЕХНИКЕ

Как мы сообщали, 24 июля прошел онлайн-марафон IT-Park Rewind в честь первой годовщины создания IT-Park.

В ходе марафона было отмечено, что после переговоров с представителями Coursera, IT-Park смог добиться того, что курсы на этой платформе теперь доступны и на узбекском языке. До 31 декабря курсы можно пройти бесплатно. Уже подано более 3 000 заявок на прохождение курсов на платформе.

Кроме того, состоялось награждение победителей конкурса One Million Uzbek Coders. Трое победителей получили \$1500, победители в категории школьников получили по \$500.

IT-Центры совместно с Artel Group планируют подготовить национальную сборную по робототехнике для большого международного конкурса, который пройдет в 2021 году в Шанхае.

ПРИЛОЖЕНИЯ

МАГИСТРАНТ ТУИТ РАЗРАБОТАЛ СПЕЦИАЛЬНОЕ МОБИЛЬНОЕ ПРИЛОЖЕНИЕ IT-ONLINE

Магистрантом Ташкентского университета информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразми Н. Нурсаидовым было разработано специальное онлайн мобильное приложение IT-online.

В данном приложении оперативно размещаются новые курсы, видео, советы и ресурсы на узбекском языке в сфере информационных технологий.

Приложение IT-online разработано в экономичном стиле для быстрой работы и может работать также в системе Tas-Ix.



КОРОНАВИРУС, ИҚТИСОДИЁТ, АҲОЛИГА ПУЛ ТАРҚАТИШ...

Кореядаги иқтисодчи ҳамюртимиз билан суҳбат

Бу галги суҳбатдошимиз — Корея Республикасидаги Жеонбук Миллий университети "Халқаро савдо" йўналиши магистранти Миркомил ХОЛ-БОЕВ. Миркомил Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг "Халқаро иқтисодий муносабатлар" йўналишини тамомлаган.

Суҳбатимиз бузувчи Корея: иқтисодиёт, жамият, коронавирус ва бошқа мавзуларда кечди.



Импортни юқори божлар билан чеклаб, иқтисодий ўсишга эришиб бўлмайди.

Мисол учун, 60-йилларда Кореяда импортнинг ўртача таърифлари 70 фоизга яқин бўлган. Аммо импорт божлари иқтисодий ўсишга катта тўсиқ бўлишини тўғри англаган ҳукумат божлар даражасини қисқа муддатда 30 фоизгача пасайтирган. Ушандан бошлаб Кореяда ўртача таърифлар пасаявчи трендни намойён қила бошлади. Мамлакатимиз ҳам юқоридаги каби йўлни танлаб, импорт тўсиқларини йилдан-йилга пасайтириб боришини хоҳлардим.

— Суҳбатимиз импорт божлари мавзусига бурилди. Шу хусусда савол бермоқчиман. Яқинда ҳукуматимиз цемент импортини содда-лаштириш бўйича қарор қабул қилди. Бироқ қарор ижтимоий тармоқларда турлича талқин қилиняпти...

— Уша қарор ҳақидаги мақоланинг сарлавҳасини ўқиб цемент импортидаги барча тўсиқлар олиб ташланар экан, деб хурсанд бўлгандим. Аммо қарор билан тўлиқ танишиб чиқиб, цемент импорти ҳеч қанақасига осонлашмаслигини тушундим. Аниқроғи 28 кунлик лаборатория текшируви бекор бўлишини кутгандим.

Билишим бўйича, 1 майдан цемент импортига вақтинчалик чеклов қўйилган эди. Лекин бозорда цемент нархининг кескин ошиши кузатила бошлангандан кейин чеклов бекор қилинди.

Энди қўлланиладиган янги тартибга кўра эса, цемент импортини доимий лицензия бериш ҳамда лаборатория текшируви орқали амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Назаримда, бунақа текширувларни жорий қилишдан кўзланган ягона мақсад импортни яширин усул орқали чеклашдан бошқа нарса эмас. Ахир 8та босқич мавжуд бўлган импорт жарёни соддалик ҳақида қанақа гап бўлиши мумкин?

Тасаввур қилинг, қанчадир миқдордаги цементни олиб кириш учун қарийб бир ой кутишга мажбурсиз. Очиғи, бу вақт ичида кичикроқ қурилиш ни бемалол битирса бўлади.

Миллий ишлаб чиқарувчиларимизга чет эл корхоналари билан рақобат қилишдан кўра, қонунни ўзгартиришнинг муқобил харажатлари арзонроқ.

Кузатишларим бўйича айта оламаники, ички ишлаб чиқарувчиларни ҳар хил йўللار билан химоя қилишга қаратилган харажатлар қанча кўп бўлмасин, миллий ишлаб чиқарувчилар барибир ривожланмайди. Аслида, чегарадаги

тўсиқлар кўпайиб бораётгани учун ривожланмайди.

Яна бир аjoyиб мисол келтираман. Мамлакатимизда экспорт импортдан юқорироқ юрадиган бир аjoyиб даврларда божхонадан ўтказиш даври тахминан 100 кунни ташкил этган. Хуллас, импортни турли усуллар билан чеклаш жамиятнинг камбағаллашишига сабаб бўлади. Устига-устак, импортни чеклаш орқали ҳеч қачон экспортда ўсишга ҳам эришиб бўлмайди.

— Сизнингча, Ўзбекистон коронавирус пандемиясига қарши Корея ҳукумати ҳаракатларидан қайсиларидан фойдаланиши, қай бирларини такрорламаслиги керак.

— Корея пандемиянинг биринчи тўлқинидан жуда тез чиқиб кетганлиги кўплаб нуфузли ташкилот ва давлатлар томонидан эътироф этилди. Менимча, Ўзбекистонда ҳам вирус хавфи борасида Кореядаги каби тушунтириш ишларини янадан фаолроқ ва самаралироқ ташкил этиш керак. Чунки, мамлакатимизда карантин чоралари пасайтирилган кундан бошлаб касалланиш ҳолатлари яна кўпая бошлади. Афсуски, шундан кейин яна карантин жорий қилинди. Касалланишлар сони бундай тез ўсиши иқтисодиётни тўхтатиш эвазига одамларнинг бошида икки ойдан зиёд уйда ўтирганини самарасизга чиқарди.

Назаримда ё одамларга вируснинг ҳақиқий хавфи етарлича етказилмаган ёки одамлар бунга етарли даражада жиддий қабул қилмапти.

Кореяда эса, касалланиш бошланиши билан, ҳукумат вирусдан қандай химояланиш бўйича жуда кўплаб йўриқномалар чиқарди, тарғибот-ташвиқот ишлари фаол олиб борилди.

Шунингдек, одамлар ўзларини химоя қилиш учун онли равишда ниқоб тақа бошлади. Массофа сақлашга ҳам жиддий эътибор қаратишди.

Менимча, одамларни карантинда сақлаб ўтиришдан кўра, уларга жамоат жойида ўзларини қандай тутуши ҳақида кўпроқ тушунча бериб, иш фаолиятига рухсат бериш самаралироқ. Бу йўл иқтисодиёт учун ҳам фойдали.

— Кўплаб иқтисодчилар карантин даврида аҳолига пул кўринишидаги кўмак беришни илгари суришяпти. Сизнингча, бу қай даражада фойдали?

— Яқинда интернет нашрлари орқали Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан 102 мингта эҳтиёманд оила ва унга кўшимча оиласида 65

ёшдан ошган кишилар истиқомат қиладиган 106,5 мингта оила танлаб олиниб, уларга ёрдам кўрсатиш учун "Саховат ва кўмак" жамғармасидан 30 миллиард сўм маблағ ажратилиши ва унга озиқ-овқат тўплами тайёрланиши ҳақида ўқидим.

Одамларга озиқ-овқат тарқатиш у қадар ҳам самарали йўл эмас. Чунки озиқ-овқат тўплами тайёрланаётганида ўртача ҳисоб олинади. Аммо кимнингдир хоҳиши берилаётган миқдорга яқинроқ, кимникидир эса узоқроқ. Мисол учун, кимдир 1 кг. картошка, 2 кг. ун истеъмол қилса, бошқа биров 1 кг. ун, 2 кг. картошка истеъмолини афзал кўради. Яна кимдандир умуман озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёж бўлмаслиги мумкин. Балки дори-дармон олишни истар. Умуман олганда, одамларнинг хоҳиш ва танловлари турлича, бир-биридан фарқ қилади.

Бундай вазиятда ажратилиш кўзда тутилган маблағ одамларга бўлиб берилиши қолган усуллардан самаралироқ. Яъни, одамлар ўзларига нима кераклигини бошқалардан кўра ахшироқ билишади. Агар 100 мингта оила танлаб олинса, унда ажратилаётган 30 млрд. сўм ҳар бир оилага 300 минг сўмдан бўлиб беришга етади. Муҳтоз аҳоли учун маблагнинг озиқ-овқат тўплами олишдан кўра нафи кўпроқ. Шахсан мен пул кўринишидаги кўмак кўрсатилиши тарафдориман.

— Бўш вақтларингизда нималар билан бандсиз, китоб ўқишга ҳам вақт борми?


— Бўш вақтларимда вазият ва кайфиятга қараб турли ишлар билан шуғулланаман. Баъзида, велосипедда шаҳар бўйлаб сайр қилиш кайфиятимни кўтарди. Лекин ҳозирги кунларда кўпроқ китоб ўқишга ҳаракат қиляман. Охириги ўқиган китобларимга тўхталадиган бўлсам, ақинда Кругманнинг "Age of diminished expectations", Стиглицининг "Making globalization work" китобларини ўқиб тугатдим.

Биринчи китобда АҚШ иқтисодиётининг ўтган аср 80-90-йилларидаги ҳолати ва 90-йилларда қабул қилинган иқтисодий қарорлар ёритилган бўлса, Стиглицининг китобида глобализациянинг ҳозирги кундаги ҳолати, ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ўртасидаги адолатсиз иқтисодий алоқалар фактлар билан кўрсатиб берилган. Энг яхши томони, муаллиф ҳар бир муаммонинг ечимини борасида аниқ таклифларини ҳам бериб ўтган.

Нурилло ТҲУХАСИНОВ суҳбатлашди

“Менимча, одамларни карантинда сақлаб ўтиришдан кўра, уларга жамоат жойида ўзларини қандай тутуши ҳақида кўпроқ тушунча бериб, иш фаолиятига рухсат бериш самаралироқ. Бу йўл иқтисодиёт учун ҳам фойдали.”

Шу кунларда ижтимоий тармоқларда “Ўқишга кириш учун алоҳида имтиёзлар берилиши тўғрими?”, “Имтиёзлар имтиёзсиз абитуриентлар руҳиятига таъсир қилмайдими?”, “Имтиёзга эришган ёшлар ўз билимлари билан ҳам ўқишга кира олишадими?”, “Имтиёзлилар ва имтиёзсизлар: талабалар табақаланишими?” каби саволлар кенг муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Бу борада турли касб эгалари, сенатор ва депутатлар, кенг жамоатчилик вакиллари ўз муносабатларини билдиришга ҳам улгуришди. Улардан баъзилари “Имтиёзлар керак”, дейишса, бошқалари бу каби энгилликлар ортиқча эканлигини айтиб, ҳар ким синовдан ўтиб талаба бўлиши лозим, деган фикрни ўртага ташламоқда. Ҳўш, бу борада жорий йил Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг фаолларига бериладиган имтиёзларга муносиб кўрилган, олийгоҳда ўқиш бошланганини кутиб кун санаётган ёшлар қандай фикрда экан?



Жавоҳир ҲУСЕНОВ,

Навоий шаҳридаги 16-ихтисослаштирилган мактаб битирувчиси. 2018-2019 ўқув йилида Республика “Иттифоқ” сардорлигига сайланган. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи қошида “21st up” жамоасини тузиб, турли соҳалар бўйича 21 нафар кучли ёшларга етакчилик қилиб келмоқда.

– Ҳар гал шахримиздаги Ёшлар марказига бораман, десам, опаларим “Ундан кўра репититорга бор”, деб айтишарди. Репититорга кетяпман, деб марказга борган кунларим ҳам бўлган. Очиги, ўз тенгқурларим билан бирга вақт ўтказишни, улар билан турли масалаларда баҳслашишни яхши кўраман. Марказга келганим ва сардорлик фаолиятимни бошлаганимга ҳам роппароса етти йил бўлибди. Йиллар ўтиб, кимдир мендан болагим ҳақида сўраса, узундан узун жавоб бермайман. Шунчаки, сардор бўлганман, дейман. Имтиёзга келсак, сардорликка келганимда фаол ёшлар имтиёзи ҳақида гап ҳам йўқ эди. Ташкилотга имтиёз илинжида келмаганман. Кўпроқ дўстлар ортириш ва билмаганларимни ўрганиш учун сардор бўлганман. Имтиёзга лойиқманми, йўқми, бу ҳақда ҳар ким ҳар хил фикр юртади. Асосийси, ота-онам, устозларим ва яқинларимнинг ишончини оқлай олсам бас.

Имтиёзлар ва имтиёзсизлар: ТАЛАБАЛАР ТАБАҚАЛАНИШИМИ?



Муаззам МУХТОРОВА,

Тошкент вилояти “Қизлар овози” клуби координатори. Вилоятда ташкил этилган “Китобхонлар давраси”, “Бунёдкор ёшлар” каби лойиҳалар муаллифи. Шеърятга қизиқади. “Ёшлар ижоди” тўпламида туркум шеърлари чоп этилган:

– Энг ёмони – билдирилган ишончини оқлай олмасликда. Эртага кимдир “Иттифоқнинг имтиёзи билан ўқишга кирган Муаззамми? Битта савол берганим жавоб беролмади”, деб қолса борми, ўзимни кечира олмайман. Имтиёзни олганим ҳақида эшитганимда жуда хурсанд бўлдим. Кўшимча дарсларга боришни ҳам давом эттирдим. Дарсга борганимда деярли барча танишларим “Ўқишга кирдинг-ку, энди ўқув марказида нима қиласан?”, деб савол беришарди. Қизиқ, илм ўқишга кириш учунгина олинмайди-ку... Инглиз тили бўйича яхши мутахассис бўлиш – орзуим. Энг олди мутахассис бўлиш учун эса, дипломнинг ўзи камлик қилади. Бир шеъримда “Бизга имкон бердинг, бизга шон бердинг, биз сенга меҳримиз берамиз, Ватан!”, деб ёзганман. Менга имконият калитини тутган Ватанимга келажак дарвозаларини очиш учун ҳам ҳаракат қилишга бурчлиман.



Фарзона АДИЛОВА,

Галлаорол ижтимоий иқтисодиёт касб-хунар коллежи битирувчиси. “Камалак” болалар ташкилотининг XIII, XIV, XV Республика анжуманлари иштирокчиси. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Жиззас вилояти Кенгаш томонидан 2019 йил сарҳисобига кўра “Йилнинг энг фаол волонтери” сифатида эътироф этилган.

– Баъзи ота-оналарга хайрон қоламан. Қизларини “Ўқишга кира олмасан, турмушга бериб юборамиз”, деб кўрқитишади. Ҳали ҳам бор бундайлар. Мен

мутлақо қаршиман бунга. Волонтер сифатида тез-тез қизлар билан суҳбатлашаман. Шундай қизлар ҳам борки, “Ўқишга кирмасам, нима бўлади?”, деган саволга жавоб топиш у ёқда турсин, ўйлашга ҳам кўрқитишади. Улар билан гаплашганимда ҳали ҳаммаси зўр бўлишини айтиб, руҳлантиришга ҳаракат қиламан. Аммо ўзим ҳам “Ўқишга кира олмасан-чи...”, деб ўйлаб қолардим. Шу боис ота-онамдан ўқишга кирмаганимча бошқа фикрлар билан чалғимаслик ва чалғитмаслик ваъдасини олганим. Саккиз йилдан буён ёшлар ташкилоти билан ҳамнафасман. Саккиз йил... Тилимизнинг бир учидан чиқиб кетади-ю аммо ана шу йиллар давомида иттифоқ ўз оиламдек бўлиб қолган. Машҳур “Суюнчи” филмидаги “Оиламизнинг шаъни” деб футбол ўйнайдиган болалар ҳеч ёдимдан чиқмайди. Мен гарчи футбол ўйнамасам-да оиламизнинг шаънини ҳимоя қиламан.



Нурсултан НУРДИЯЗОВ,

Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманидаги 37-мактаб битирувчиси, туман “Иттифоқ” сардори. Чехия ва Болгарияда ўтказилган халқаро онлайн конференцияларда ҳамда кимё фани бўйича халқаро танловда иштирок этган. “Аралимди кўмсайман”, “Кўзумушак бўлайин ўзине Ватан” номли китоблари чоп этилган. “Ватанга хизмат қилиш буюк мақсадим” Республика мақоалар танловида голиб бўлган.

– Имтиёзлар ҳақида ижобий ва салбий фикрларни ўқиб, баъзиларига хайрон қоламан. Яқинда “Имтиёз билан ўқишга қирадиганлар туфайли қолганлар қийналяпти. Улар имтиҳон топшириб талаба бўлиши мумкин бўлган ёшларнинг ўрнига эгаллик қилишяпти”, деган хабарга кўзим тушди. Ўқиб, очиги, қулгим келди. Аслида имтиёзли ёшларга алоҳида квоталар ажратилади-ку. Мисол учун, битта йўналишга 30 нафар талаба қабул қилинадиган бўлса, имтиёз соҳиблари ўттиз биринчи бўлиб қўшилади. Наҳотки, негатив фикрлаётганлар ўрнатилган тартиблардан беҳабар бўлишса? Уч йилдан буён мактабдан ташқари қўшимча дарсларга қатнашаман. Ҳам дарсларга, ҳам ўқишга, ҳам бошқа ишларга улгуриш учун ҳаракат қиламан. Имтиёзга эришганимдан кейин турли саволлар

кеча бошлади. Аксарият кишилар “Имтиёз олмаганимда ҳам ўқишга кира олармидинг?”, дейишади. Ҳа, кира олардим. Нафақат мен, бошқа ҳудудлардаги имтиёзга эришган тенгдошларим ҳам ўқишга кира олишларига шубҳа йўқ. Имтиёз – катта эътироф. Биз ҳаракат қилдик ва эътирофга эришдик.



Шаҳноза ЧОРИЕВА,

Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги 39-сонли умумий ўрта таълим мактаби ёшлар етакчиси. Вилоят ҳокимлигининг “Эътироф” мукофоти совриндори:

– Ҳар куни мактабга бориш олдиндан янги гоё ўйлаб топишга, бир кунлик фаолиятимни мазмунли ташкил этишга ҳаракат қиламан. Ишга борганимда сардорларим “Шаҳноза опа, бугун қанақа лойиҳа қиламиз?”, “Шаҳноза опа, спорт мусобақасини қилайлик”, “Қишлоғимиздаги нурунийларни кўргани борсак-чи...”, деб турли ташаббуслардан сўз очишганида, қувониб кетаман. Ўқувчиларнинг кўзидаги учкун ва шижоат менга куч беради. Шунинг учун ҳам тўққиз йилдан буён мактабда етакчиман. Қишлоқдагилар исминини билишмасам ҳам, етакчилигимни яхши билишади. Кайвони она-хонларнинг “Ҳой, етакчи қизим, невагинаманям сардор-пардор қилгин”, деганларида касбимга бўлган меҳрим янада ошади. Имтиёзни ҳам ана шу меҳр ва ўқувчи-сардорларимдаги менга бўлган ишонч олиб берди, деб ўйлайман. Ўқишга шартнома асосида кирганман, аммо турли сабаблар туфайли таълимни давом эттира олмаганман. Имтиёз асосида ўқиш эса, менинг кўп йиллик орзуларимни амалга оширди. Ҳа, чиндан ҳам, ёшлар иттифоқи – орзу-истакларимнинг рўёбчиси бўлди.

Тенгдошларимиз фикрларидан ҳар ким ўзига керакли хулосани чиқариб олади деган умиддамиз. Бизнинг ангаганимиз эса шу: ўз устида ишлаган, изланган, ўз лойиҳалари, ташаббуслари билан юрт равнақиға ўз ҳиссасини қўша олган ёшлар саъй-ҳаракати эътиборсиз қолмайди, қолмаслиги ҳам керак. Зеро, бу бошқаларни ҳам фаолликка чорлайди, Ватан тараққиётига дахлдорлик туйғусини оширади. Омад сизга, тенгдошлар!

Ёрқинжон ҲАЙИТБОВ



“БОРСА КЕЛМАС КЎЧАЛАР” ДА АДАШГАНЛАР

“Яқинда Бектемир туманидаги дорихоналардан бирига ниқоб олиш учун кирдим. Мендан олдин навбатда турган 16 ёшлар атрофидаги ўсмир йигит 20 ўрам кальция глюконат таблеткасини сотиб олди. Ўрамларнинг ҳар бирида 10 донадан таблетка бўлгандаям ҳаммасини қўшиб ҳисоблаганда 200 дон таблетка бор. Ўсмир йигит танишимнинг ўғли эди. У дорини сотиб олгач, орқасига ўгирилиб мени кўрдию айб иш устида қўлга тушган одамдек каловланиб қолди. Салом беришни ҳам унутиб, чиқиб кетишга шошилди.”

Кўнглимга келган гумондан шубҳаланиб, “Шунча дорини нима қиласан?” дедим. У “Менга эмас, онамга”, дедию дорихонадан ўқдек учиб чиқиб кетди. Сотувчига “Нега рецептсиз ўсмирларга дори беряпсиз? Битта одам шунча таблеткани ичиши мумкинми? дея савол бердим. У эса, “Бўлиши мумкин, балки оилавий ичишаётгандир, бу таблеткани рецептсиз ҳам бериш мумкин”, деган жавобни берди. Шу воқеадан сўнг икки-уч кун йигитнинг онасига кўнғироқ қилсамми, қилмасамми деган ўй билан юрдим. Виждоним тинчлик бермагач, танишимга кўнғироқ қилиб, хол-аҳвол сўрадим, дорихонадаги воқеани айтдим. Аёл ўглининг кейинги пайтларда ўзгариб, одамови бўлиб қолгани, тез-тез уйдан пул ўғирлаётганидан шикоят қилди. Хуллас, шу воқеадан сўнг она ўғлини дуч келган таблеткаларни ичишга ўрганиб қолганини билди ва уни шифокор кўригига олиб борди. Бир нечта муолажалардан сўнг уни психотроп дори воситасини қабул қилишдан қайтариб қолди.

Қонунчилик нима дейди?

2019 йил 1 декабрдан бошлаб Ўзбекистонда кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига киритилган алоҳида дори воситаларининг чакана савдоси фақат ижтимоий дорихоналар, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни сақлаш ва реализация қилиш (бериш) фаолиятига лицензияси мавжуд бўлган дорихоналар томонидан амалга оширилиши белгиланди.

Минг афсуски, нафсига қўл бандлар бу қонунга амал қилишни истамайди. Шундайлардан бири рухсатсиз психотроп дори воситаларини сақлаш ва сотишда айбланган Тошкент шаҳрида яшовчи Б.К. исмли шахсга суд ҳукми ўқилди. Б.К. Жиноят кодексининг 251(1)-моддаси (Кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш) 3-қисми би-

лан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Б.К. суд залида бошини эгиб, бу жиноятни билмай қилганини айтиб, узр сўради. Аммо унинг узри қабул қилинмади ва жазо тайинланди.

Бундай одамлар ўз хатосини билмайди ёки тушунмайди дейсизми? Асло улар бу ҳаракатларини нима билан тугагини, уларнинг харидорига айланган ёшларнинг умри қисқаришини, кексалар таъбири билан айтганда, “борса келмас кўчалар”га кирдиришга ҳисса қўшаётганини биллиб туриб қилади. Шунинг учун уларга қанча жазо тайинланса ҳам кам! Фақат кун келиб ўзининг ўғли ёки қизи мана шу оғунинг қулига айланиб, кўз ёнида гўлдек сўлаётганини кўрсатгани уларнинг кўр кўзлари очилиши, виждонлари уйғониши мумкин. Бектемирлик ўсмирга ўрамлаб дорини тутқазаётган дорихона сотувчиси ҳам аллақачон ана шундай ёшлардан мижоз ортирган. Сотувчи бу йигитлар таблеткаларни ота-онасига эмас, ўзи учун олаётганини ҳам билади. Буни унинг хотиржам савдо қилаётганидан ҳам билиш қийин эмас. Агар заррача виждони бўлса, бу ишларнинг олдини олиш мақсадида амалдаги қонунларга ҳурмат билан қарарди.

2018 йил “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Унга кўра, психотроп моддалар ҳисобланган трамадол, лирика дорилари гиёҳванд моддалар таркибига киритилди.

Лирика ва трамадолни сотиш тақиқланганидан сўнг психотроп эквивалентли сифатида бошқа номдаги дорилар пайдо бўлди. Кашандалар энди арзон, чўнтаги кўтарилган дориларни ичишни одат қилишди. Шифокорларнинг таъкидлашларича бу дорилар аввалига шунчаки оғриқ қолдиради, ўрганиб қолганидан сўнг ичмаса холсизлик кузатилади. Зудлик билан бу касалликнинг

олди олинмаса, бепуштлиқ ва яна бир қатор касалликларни келтириб чиқаради.

Плестейшн хоналаридаги носоглом муҳит

Дониёр 14 ёшида психотроп дори воситасини қабул қилишга ўрганиб қолди. Унга плестейшн хонасидаги “ака”лари “устоз”лик қилишди. Бошланишида бир-икки марта ичиб, кейин ташлаб юбораман, деган йигитнинг бу ҳақдоридан қутулишга иродаси етмади. Бора-бора қайси дорига пули етса ўшани сотиб олиб ичиб юрди. Уйлангач бу балодан қутуламан, деб ўзини овутди, аммо яна уддасидан чиқолмади. Аёли фарзандли бўлишни кутиб чарчади. Дониёрнинг бепуштлигини билгач, ажралишга қарор қилди.

Бундай воқеалар республикамиздаги минглаб йигитлар ҳаётида содир бўлмоқда. Тўғри, қишлоқларда ҳали бу одат “урф”га айлангани йўқ. Аммо шаҳарда аллақачон айрим йигитлар учун психотроп дори воситасини истеъмол қилиш эрмакка айланди. Агар сўзларимга ишонмасангиз кечки соат 21дан кейин дорихоналар эшигига келиб, кузатиб турсангиз, асосий харидорлар 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигитлар эканига ўзингиз гувоҳ бўласиз.

Яқин дугонамнинг қизи олти ой илгари дорихонага сотувчи бўлиб ишга кирганди. Яқинда уни бўшатиб олишга мажбур бўлди. Сабаби дорихонага психотроп дори сўраб кирган йигитларга бу дориларни рецептсиз сотиш мумкин эмаслигини айтган. Айрим йигитлар унга таҳдид қилишган. Ёнгичнарилмаси, бу харидорларнинг аксарияти ўзининг танишлари, маҳалладошлари, синфдошлари экан. Йигитларнинг баъзилари сотувчи қизга дўқ уриб, ҳеч кимга айтмаслигини, акс ҳолда унга яхши бўлмаслигини билдиришган.

Муаммага ечим бор

Қўччилик ота-оналар фарзандидаги ўзгаришни сезмайди ёки билса ҳам дардини ичига ютиб,

“Бир кун халос бўлар”, деган умидда индамай юраверишади. Пандемия шароитида ота-оналар асосий вақтини фарзандлари билан ўтказишга мажбур бўлишди. Шу сабаб боласининг дарди, муаммоси, аҳволдан огоҳ бўлди. Айрим ота-оналар фарзандининг соғлиғидаги муаммони ҳал этишга ҳам йўл топишди.

Икром 23 ёшда. Онаси автохолокат туфайли оламдан ўтгач, акаси ва отаси учаласи қолишди. Икром тунги клубга қоровул бўлиб ишга кирди. Клубда қиладиган ишнинг ўзи йўқ. Зерикиш ҳамда онасининг ўлимини унутиш учун психотроп дори ичишга ўрганиб қолди. Ўртоқлари унга жуда кўп насиҳат қилишди, аммо таъсир қилмади. Эрталаб дадаси ва акаси ишга кетар Икром уйда ёлғиз ўзи қоларди. Кеч тушгач улар ишдан қайтар Икром эса тунги қоровулликка кетарди. Хуллас ота ва ака тирикчилик ташвишлари билан бўлиб уқанинг аҳволдан беҳабар қолишади. Икром куни буйи уйда, психотроп дорини ичиб олиб кайфга берилиб ухлайди. Пандемия сабаб ота ака ва ука уйда ўтиришга мажбур бўлишди. Шунда Икромни айби очилиб қолди. Отаси насиҳат қилди, акаси бир неча марта калтаклаб ҳам кўрди, ношуд ўғил бу йўлдан қайтмади. Икромнинг отаси катта бир корхонада ошпаз бўлиб ишлайди. Икром ишсиз қолгач отаси уни ўз ёнига ёрдамчи қилиб ишга олди. Ҳар куни ота ўғил корхонадаги 70 нафар ишчиларга уч маҳал овқат тайёрлашади. Буни қарангки, орадан кўп ўтмай Икромнинг дори қабул қилишга вақти ҳам, хоҳиши ҳам қолмади. У эрталабдан кечгача отаси билан тиним билмай ишлайди, қўли-қўлига тегмайди. Жисмоний меҳнат уни мана шу оғу домдан қутқариб қолди.

Бундан кўринадики, боланинг фойдали меҳнат билан бандлиги ва оила давраси ҳар бир муаммага ечим топиши, инсонга хотиржам ҳамда бахтли кунларни ваъда қилиши шубҳасиз.

Нигора РАҲМОНОВА,
журналист

10 | огоҳлик

НИШОНГА ОЛИНГАН ЭЪТИҚОД

"Уч маротаба ҳажжа бориб-келган олтиш ёшли ҳожи ота икки метрлик девордан ошиб ўтиб қўшнисининг қизига тажовуз қилди. Шовқиндан уйғониб кетган қизнинг онаси ёрдамга шошилди. Лекин зўравон шўрлик онани бир чеккага итқитиб ташлаб, нафсини қондиршига муваффақ бўлди!.."

Шов-шувга нега бунчалар ўчмас?

Ижтимоий тармоқда кенг тарқалган мазкур хабар дарров муҳокама марказига айланди. Ҳатто хориз радиолари ҳам бу ҳақда дўмбира чалди. Биров ундоқ деди, биров бундоқ. Кўпнинг озига элак тутиб бўлмас! Ҳатто бир опахонимиз истеъфодаги милиция полковниги эканини, бу воқеага ҳолис адвокатлик қилиши мумкинлигигача ёзди.

Ачинарлиси, кейинчалик ғирт ёлгонлиги исботланган бу хабарнинг батафсил тафсилотларини дунёга ногора чалганлар ёки шов-шув деса, ўзини жардан ташлайдиганларнинг бирортаси нега шарҳламади? Олтиш яшар чол қандай қилиб баланд девордан ошиб ўтди, бир ўзи икки кишига қандай бас келди-ю нафсини қондиршига улуғурди экан? Нима, у кўзи қонга тўлган ашаддий жиноятчи ё жиловини йўқотган навқирон йигитми? Бир ёқда у кишининг муқаддас ибодатларни адо этиб келганига ҳам алоҳида ургу берилмади. Демак, бир гапи борки!.. Йўқ, бу ҳақда ҳеч ким савол ташламади.

Инсон онгу тафаккури, дунё қарашни ўзгартиришида тарғибот-ташвиқотнинг ўрни нечоғлик муҳим эканини изоҳлаш шарт эмас. Йиллар давомида тартибли-тартибсиз тарғиботнинг усл-услублари ривожлангани сари уни омага етказиш воситалари ҳам кўпайиб борапти. Китоаб, газетажурнал, радио-телевидение қаторига интернет, ижтимоий тармоқларнинг қўшилиб, ҳатто бир қадар илгарилаб кетаётгани фикримиз исботи. Айниқса, бугун одамлар шу даражага етдики, ухласа ҳам, уйғонса ҳам, ёнида телефон, планшет ва ҳоказо...

Анъанавий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган ҳар бир хабар, фикр-мулоҳаза ёки муносабат ортда ким турганини излашга ҳожат йўқ. Чунки таомилга кўра, шу маълумотларнинг рости ёлгонлигига жавобгарликни зиммасига олган муаллиф исми-шарифи ошқора буй кўрса-



тиб туради. Бу эса табиийки, хабар бериш ва олиш хавфсизлигини муайян даражада таъминлайди, шунингдек, одоб ва ахлоқ қоидаларидан четга чиқишга изн бермайди.

Кейинги пайтларда ижтимоий тармоқлар, айниқса, "Фейсбук" да дўстлар ва гуруҳлар ўртасида турфа мавзуларда ўзаро фикр алмашиш, баҳс-мунозаралар сезиларли даражада кучайди. Буни бир қарашда ижобий ҳолат деб ҳам баҳолаш мумкин: жамоатчилик фикрининг шаклланиши ўз-ўзидан жамоатчилик назорати функциясини ҳаётга татбиқ этишга олиб келади. Лекин айрим "дўст"ларнинг, фикр берувчининг номаълумлиги, яъни анонимлиги бир қатор муаммоларга йўл очаётгани хавотирлидир.

Очикроқ айтадиган бўлсак, бу каби кўнгилсиз ҳолатлар галамис гуруҳлар тегирмонига сув қуяётганини ҳамма ҳам бир-даланиб, дарров тегишли изоҳлари ёрдамида одамларни асл воқеликдан чалғитиб, ўзларининг қабих ниятлари сари етаклаб кетадилар.

"Менинг танам — менинг молим"

Буниси энди ошиб туши-ёв. Яқинда ижтимоий тармоқларда турли мазмунда шiorлар кўтариб олган ярим-яланғоч қизларнинг суратлари пайдо бўлди. Нафсиларини айтганда, коса тагида яширинган нимкоса "тарғибот"нинг дунё жамоатчилиги учун янгилик жиҳати йўқ аслида. Тўқликка шўхлик қилиб юрган

қиз-жувонларнинг "Менинг танам — менинг молим", "Жинсий эҳтиёжимни ўзим хоҳлагандай қондиршни истайман", "Аёл инкубатор эмас" деган ноинсоний талаблари аллақачон баъзи давлатларнинг ҳаёт тарзига айланиб улгурган. Нафсини жиловлай олмаётган бузғунчилар эса ўша худудлар билан чекланиб қолмайди, албатта.

Улар дунёни батамом "забт этиш" учун турли давлатларда бундай пухта ўйланган тизимли хуружларини тез-тез уюштириб туришлари миллий ижтимоий муаммоларимиздан бири бўлган кайнонакелин муносабатларини ҳам қамраб олишга ҳаракат қилишгани бежиз эмас. Хорижлик экани яққол сезилиб турган "ташаббус"корлар элиб келади. "Келинкалар куёв оиласининг хизматкори эмас" (Невеста — келинка) деган мазмундаги шiorни ўртага ташлашган.

Афсуски, айнан ана шу шior "шарофати" билан баъзи юртдошларимиз парда ортидаги сирни англаб-англамай, бартараф этилиши лозим бўлган битта-иккита салбий ҳолат сабаб барча дилбандларимиз гўё тутқинликда қолаётгандек, шоша-пиша "Қизларимизга эркинлик бериш керак" деган мазмунда мулоҳазалар билдиришга ҳам улгуришди. Хайриятки, юртдошларимизнинг асосий қисми бизнинг миллий қадриятларимизга зид хатти-ҳаракатларни қоралаб, жўяли жавоблар орқали уларнинг пинҳоний ғаразли режаларини фош этиб ташлашди.

"Осмондаги бобой"...

тавбага шошилмайсизми?

Албатта, бундай терс натижани кутмаган қора кучлар ҳам қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Улар юзага келган қалтис вазиятни чуқур таҳлил қилишган, шекилли, бу сафар "Фейсбук"да "Кўринмас

одам" дея рўйхатдан ўтган худобехабар кимса номидан яшаш тарзимиз, динимиз ва эътиқодимизга қарши тош отишга киришиб кетиши. "Инсониятга дину диёнат, иймон-эътиқод ҳеч нарса бермайди", "Худо — осмондаги бобой", "Дунё худосизларнинг қўлида, жаҳоннинг энг буюк кашфиётчилари, энг бой сармоядорлари эътиқодсиз кишилардир", "Бизнинг йўриғимиз ёқмас, интернетдан фойдаланманглар, буюм худосизларнинг ихтиросидир" деган турли мазмундаги тузуруқсиз маломатларини ҳатто ёшигаям иймонли одамнинг журъати етмайди.

Шахсан мен чидаб туролмадим ва шу ондаёқ бу бетайин кимсаннинг иддаоларига қарши ўз муносабатимни билдирдим. Гарчанд баъзилар очик-ошқора таҳдидларни "Энди ҳамма кўнглида-руси айтишга ҳақли. Ғийбат қилманглар, гуноҳ бўлади", деб хаспўшлашга уринган бўлсалар-да, аксарият ватандошларимизнинг бу нозик мавзуга жиддий ва айни пайтда ҳолисона ёндашуви, таҳлили, наслу насоби номаълум кимсаларга берган панд-насихатлари кўнглимни анча кўтарди.

Фақат шу ўринда динимиз жонқуярлари — таниқли улаомларимиздан "Эътиқодга очик-ошқора хуруж қилинганда жимгина четга чиқиб туриш иймон сустлигидан далолат" экани хусусида маълумот ва изоҳлар кутганим ҳам айни ҳақиқат. Ахир, ислом дини, қолаверса, эътиқод борасидаги мунозараларга соҳа билимдонлари хулоса берса, муносабат билдирса, нур устига нур бўларди-да!..

"Беиминнат устоз" керакми?

Сир эмас, узоқ йиллик истибод даври тазийқ ва тақиқларидан сўнг, истиқлол шарофати билан юртимизда ислом дини ва диний-маърифий меросимизни

ўрганишга рағбат пайдо бўлди, соҳага оид кўплаб китоблар, рисола ва қўлланмалар чоп этилди. Бироқ диний билимларга қизиққанлар фақат юртимиз ва дунё улаомларининг йиллар синовидан ўтган соф исломий асарларидан фойдаланган ҳолда маънавий эҳтиёжларини қондириб келмоқдалар, десак янглишамиз.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бу борадаги катта-кичик хуруж, тухматлар доирасида "беиминнат устозлик"ни касб қилиб олган ҳолатдорлар ҳам анчагина. Ижтимоий тармоқдаги "Инжилни ўрганамиз" саҳифасини ана шундай хизматлардан бири дейишимиз мумкин. Ачинарли жиҳати, ўзини зиёлиман, ижодкорман, деб юрган айрим биродарларимиз асл таълимот бир четда қолиб, шу сингари "муаллим"лардан савод чиқаришаётгани сир эмас. Бунинг асорати уларнинг дунёни англаш ҳақидаги мулоҳазаларида, шеър ва ҳикоя деб тақдим этаётган машқларида кузатилаётгани ташвишли.

Оддийгина поклик — таҳорат, намоз ва илк зарурий масалалардан беҳабар кимсаларнинг тасавуф борасида фикр юритиши, Умар Хайём, Машраб ижодини таҳлил қилиши, юмшоқроқ айтганда, шаққоқликдан бошқа нарса эмас. Шунинг учун ҳам бу мавзуда қилни қирқ ёрадиган зукко, илмий, элу юрт ўртасида обрў-эътибор қозонган улаомларимизнинг шарҳлари ниҳоятда муҳим.

Халқимиз ўзининг узоқ ўтмишида жуда кўп боқинларни бошдан кечирган. Баъзан ўта ишонувчанлиги, соддалиги боис озоқликдан махрум бўлишдек беаёв товлонлар тўлашига ҳам тўғри келган. Лекин ҳар сафар дину диёнатини, эътиқодини кўнглида чўғдек асраб-авайлаб ёвузларга қарши курашган, алалоқбат минг-минглаб қурбонлар вазига эркини яна ўз кўлига олишга муваффақ бўлган.

Виртуал олам боқинчилари эса бу дафъа бизнинг энг муқаддас бойлигимиз — эътиқодимизни нишонга олган кўнглида шу боис юртдошларимиз онгу шуурини юкумли касалликдек ишгол этишга сафарбар этилаётган манфур тарғиботларга қарши курашда бевосита диний соҳа ходимлари, имом-хатибларимиз масъулиятини янада ошириш лозим. Улар ўзлари фаолият олиб бораётган шаҳар ва туман ҳокимликларини матбуот хизматлари билан ҳамкорликда халқимизни, айниқса, ёшларимизни кўринмас кучларнинг маккорона фитналаридан, ботил маълумот ва хабарларидан огоҳ этиб турсалар, аминимизки, ёт гоё ва пуч давволарга нисбатан мустаҳкам ҳимоя қобиғи яратилади. Шунда биз ҳам асрлар мобайнида шаклланган эътиқодимиз, миллий-маънавий меросимиз, ҳаётбахш қадриятларимизни кўз қорачигидек асраб-авайлашни ўрганамиз. Зеро, фаросат ва огоҳлик мўминлик сифатларидандир.

Сирожиiddин РАУФ,
"Шарқ юлдузи" ва "Звезда Востока" журналлари бош муҳаррири, шior.
Муаллифининг "Фейсбук" саҳифасидан олинди

“БИР МИЛЛИОН ДАСТУРЧИ”

лойиҳаси рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг драйвери

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисининг Сенати ва Қонунчилик палатасига навбатдаги Мурожаатида: “...Тасаввур қилинг, бир миллион дастурчи барча соҳага кириб боради ва рақамли иқтисодиётнинг ривожланишига катта ҳисса қўшади. Бу – катта драйвер бўлади мамлакат ривожланишига. Биз ҳеч қачон бундай катта марра олмаганимиз”, – дея таъкидлаганлари рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга катта аҳамият берилаётганлигидан далolat беради.



Республикаимизда кенг аҳоли қатламини масофавий махсус онлайн-портал орқали IT-йўналишлари бўйича тайёрлашга йўналтирилган йирик “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан Бирлашган Араб Амирлиги “Dubai Future Foundation” жамғармаси, IT-Парк қошидаги IT-академия, Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети билан биргаликда амалга оширилмоқда. Лойиҳа бўйича дастурлашни масофавий таълим орқали ўргатишга мўлжалланган www.uzbekcoders.uz портали ҳамда Udacity.com халқаро таълим платформаси ўзбек тилида ишга туширилди.

Биринчи босқичда лойиҳа глобал меҳнат бозорида энг долзарб бўлган тўртта йўналишни қамраб олди, жумладан:

- маълумотларни таҳлил қилиш (Data-analytics);
- Android платформасида ишланмалар яратиш (Android development);
- веб-илваларни ишлаб чиқиш (FrontEnd);
- дастурий таъминотнинг тўлиқ цикли-

ни ишлаб чиқиш (FullStack).

Лойиҳа кенг жамоатчиликни, айниқса, ёшларни масофадан туриб uzbekcoders.uz портали орқали дастурлаш бўйича енгил ва сифатли таълим олиш учун имконият яратишга йўналтирилган.

Курсни муваффақиятли тамомлаган битирувчилар грантларни қўлга киритиш учун ўз билимларини синовдан ўткази олишга ва “Udacity” платформасидаги юздан ортиқ “Nanodegree” дастурларининг бирида ўқишни давом эттиришлари мумкин. Бунинг учун номзод якуний имтиҳонни муваффақиятли топшириши ва энг юқори балл тўплаган 150 нафар талаба рўйхатига кириши керак. Шунини таъкидлаш жоизки, “Nanodegree” дипломлари “Google”, AT&T, “Autodesk”, “Salesforce” ва бошқа кўплаб IT-гигантлар томонидан тан олинади.

Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки худудини кенгайтириш ва янги инфратузилма объектлари қурилишини бошлаш мақсадида ишлаб чиқилган концепция асосига кўра, республика худудига 400 минг кв. метрдан ортиқ офис бинолари, конференц зал, коворкинг марказ, меҳмонхона ва бошқа бинолар қурилиши, бунинг натижасида дастурий маҳсулот ишлаб чиқувчи мингдан ортиқ янги субъектларни ташкил этиш орқали 14 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратиш имконияти пайдо бўлади.

“Бир миллион дастурчи” лойиҳасининг амалга оширилиши мамлакат аҳолисини кенг

қатламини янги ахборот технологиялар касбларини ўзлаштиришга жалб этиш, шунингдек, ёшларни, шу жумладан, имконияти чекланган шахсларни ишга жойлаштириш, дастурлаш бўйича бепул таълим бериш ва ўз-ўзини касбий ифода этишда янги имкониятлар яратиши. Хусусан бугунги кунда, Қашқадарё вилоятида “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси бўйича 2668 нафар ёшлар рўйхатдан ўтган, шундан биринчи босқичда иштирокчи сертификатини олганлар 216 нафарни, иккинчи босқич иштирокчи сертификатини олганлар 194 нафарни ташкил қилмоқда.

Вилоятдаги ўрта таълим мактабларига рақамли ва ахборот технологияларига ихтисослаштирилган махсус курсларда 8000 нафардан ортиқ ёшлар ўқитилди.

Касби туманида Рақамли технологиялар ўқув маркази ишга туширилди. Жорий йилнинг охирига қадар яна 7та туманда худди шундай марказлар ташкил қилиниши белгиланган. Ушбу марказларда вилоятдаги ёшларнинг ахборот ва рақамли технологиялар, дастурий таъминот яратиш, киберспорт ва робототехника асосларига ўқитиш орқали рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшадиган мутахассислар етишиб чиқишига ишонамиз.

Санжар АРИПОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини ривожлантириш
вазирлигининг Қашқадарё вилоят
худудий бошқармаси бошлиғи

● ҚУТЛОВ!

● Реклама ва эълонлар

МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ
**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ**

**Мамлакатимиз аҳолисини
Қурбон Ҳайити —
ИЙД АЛ-АДҲА
билан муборакбод этади.**

**Дуолар қабул бўладиган ушбу улуг
кунда Яратгандан она заминимиз
ҳамиша тинч, элимиз шод, юртимиз
обод бўлишини сўраб қоламиз!**

**“ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ
МАРКАЗИ” ДУК ЖАМОАСИ**

**Юртдошларимизни
ҚУРБОН ҲАЙИТИ
билан муборакбод этади.**

**Азизлар!
Ушбу қутлуғ байрамнинг
файзу баракоти қалбларингиз
ва хонадонларингизни
мунаввар қилсин!**

12 АЛОҚА ОЛАМИДА



СТОП-КОРОНАВИРУС



КОРОНАВИРУСНИ ЛАҲЗАДА АНИҚЛАБ БЕРАДИГАН ДЕТЕКТОР ЯРАТИЛДИ

АҚШдаги Жорж Вашингтон университети тадқиқотчилари одамда коронавирус бор-йўқлигини дярли лаҳзада аниқлаб берувчи қурилма яратилди, деб ёзмоқда Mk.ru.

Қолаверса, детектор илгари бу касал билан оғриганларда унга қарши иммунитет ҳосил бўлганми-йўқми — шуни ҳам аниқлаб беради, дейилади хабарда.

Детектор функцияси рангли спектроскопия усулига қурилган. Беморлар тест натижаларини телефондаги махсус иловага ҳам жўната олишади.

ҚУВВАТ МАНБАИ

QUICK CHARGE 5 СМАРТФОННИ АТИГИ 15 ДАҚИҚАДА ТЎЛИҚ ҚУВВАТЛАЙДИ

Qualcomm компанияси янги авлод — Quick Charge 5 тезкор қувватлаш технологиясини тақдим этди.

Буниси 2013 йилги Quick Charge 1 технологиясидан 10 қарра тезкорроқ, 2017 йилги Quick Charge 4 авлодидан эса 70 қарра самарали. Quick Charge 5 технологияси қўшалоқ аккумуляторларни, 20 вольтгача кучланишда ҳамда 100 ваттдан ортиқроқ қувватда зарядлай олади.

Смартфонларнинг 4500 мАс аккумуляторини холдан бошлаб 50 фоизгача тўлдириш учун атиги 5 дақиқа, тўлиқ қувватлаш учун эса 15 дақиқа вақт кифоя қилади.

Quick Charge 5 технологияси 12 хил ҳимоя тизимини, шу жумладан қизиби кетишдан сақлаш ва ток кучланишининг кескин ўзгаришларидан муҳофазани ҳам ўз ичига олган. Quick Charge 5 жамланмасидаги Smart Identification of Adapter Capabilities технологияси эса аккумулятор умрини узайтириш имконини беради.

Qualcommнинг расман эълон қилишича, Quick Charge 5 технологиясига эга смартфонни биринчи бўлиб Xiaomi компанияси, шу йилнинг учинчи чорагида намоиш этади.



КАРАНТИН

GOOGLE ХОДИМЛАРИ КАМИДА 2021 ЙИЛНИНГ ИЮЛИГАЧА ИШГА БОРМАЙДИГАН БЎЛИШДИ

Бутун дунёда кўплаб компаниялар коронавирус пандемияси туфайли масофадан ишлашга ўтди. The Wall Street Journal нашрининг ёзишича, Google ушбу тартибни камида бир йилга узайтирган.

Қидирув гиганти 200 000 нафар ходимига то келаси йилнинг июлига қадар уйдан туриб ишлашларига рухсат берди. Бошқа IT-гигантлар ҳам масофадан ишлашнинг узайтирилишини эълон қилишган, ammo Google мазкур тартибни нақ бир йилга чўзишини биринчи бўлиб айтган компаниядир.

WSJ маълумотларига кўра, Googleга эгалик қилувчи Alphabet компаниясининг бош директори Сундар Пичаи (Sundar Pichai) бу таклифни ўтган ҳафта бошқа топ-менежерлар билан муҳокама қилган ва барчаси шу қарорга келишган.

6 июл кuni Google ўзининг айрим офисларини чекланган сондаги ходимлари учун очган эди. Бунда офисга бориб ишлашни ишчиларнинг кўпчилиги ихтиёр этишган. Facebook ҳамда Twitter ҳам ўз ходимларига масофадан ишлашга рухсат беришган ва бу режими қачонгача чўзилишига ҳозирча аниқлик кiritишмаган.



ҚОНУН ДОИРАСИДА

APPLE АСОСЧИСИ YOUTUBE БИЛАН СУДЛАШМОҚДА

Стив Жобс билан биргаликда 1976 йили Apple компаниясига асос солган Стив Возняк дунёда энг оммалашган видеохостинг — YouTube маъмурияти устидан судга ариза топширди.



Ариза сабаби — ушбу сервисда Стив Возняк номи билан боғлаган ҳолда фирибгарлик роликлари тарқатилётганидир. Мазкур видеоларда унинг иштирокидаги фотосурат ва видеолар қўлланган бўлиб, гўёки у биткоинларни тарқатаётгандек қилиб кўрсатилган.

Видеода айтилишича, агар кўрсатилган ҳисоб рақами орқали Apple асосчисига криптовалюта жўнатилса, у икки ҳисса қилиб қайтарар эмиш. Англаб етганингиздек, унга ишониб биткоин юборганлар ўз криптопулларидан айрилиб қолишган.

Вознякнинг таъкидлашича, ушбу фирибгарлик ҳолати юзасидан у YouTube маъмуриятига бир неча бор мурожаат этган. Лекин компания унга умуман эътибор қаратмаган. Чунки, Apple асосчиси фикрича, сервис нафақат фирибгарлик лавҳаларнинг жойланишига йўл очиб беради, балки уларни ўзи тарғиб қилиб, фойдасига ҳам шерик бўляпти.

Стив Возняк айна шу сабабга кўра YouTube'ни судга берган 17 нафар даъвогардан биридир. Улар лавҳани видеохостингдан ўчиртириш ва фойдаланувчиларга унинг фирибгарлик эканлигини эълон қилдиришдан ташқари, мазкур сервисга эгалик қилувчи Alphabet корпорациясидан жарима ва товон пули ҳам ундирилишини талаб қилишяпти.

МЕССЕНЖЕРЛАР

TELEGRAM IOS ДАСТУРИДА ВИДЕОЎНГИРОҚЛАРНИ ТЕСТ РЕЖИМИДА ИШГА ТУШИРДИ


Telegramнинг 26 июл кuni тақдим этилган янгиланган талқини орқали эндиликда видеоўнгироқларни ҳам амалга ошириш мумкин.

Бироқ видеоўнгироқлар ҳозирча фақат iOS платформасидаги қурилмаларда тест режимида амалга оширилади.

Видеоўнгироқдан фойдаланиш учун қуйидаги амалларни бажариш лозим:

- App Store орқали Telegramнинг сўнгги талқинини (6.3) юклаб олиш;
- Иловадаги созулмалар тугмасига 10 маротаба босиш (дебаг-меню очилади);
- Experimental Feature функциясини ёқиш;
- Профилга кириб, аватаркани пастга тортиш.

Бу турдаги видеоўнгироқларни фақатгина шу усулда янги функцияни ёққан бошқа фойдаланувчилар билан амалга ошириш мумкин.



ИЛОВАЛАР

SAMSUNG КОМПАНИЯСИ ЭНГ АРЗОН СМАРТФОНЛАРИДАН БИРИНИ СОТУВГА ЧИҚАРДИ


"Samsung" компанияси энг арзон смартфонларидан бири — Galaxy M01 Core'ни расман тақдим этди.

Ушбу қурилма One UI қобикли Android 10 Go амалий тизимида ишлайди.

Смартфон нархи нисбатан (айниқса, компаниянинг ўз смартфонларига қараганда) анча арзон — 73 доллар. Хусусиятлари ҳам шунга яраша: оператив хотира — 1 Гб, ички хотира — 16 Гб.

Икки баробар кучайтирилган (2/32 Гб) талқини ҳам бўлади, у Хиндистонда 87 доллардан сотилади. Смартфонга MediaTek MT6739 процессори, 3000 мАс аккумулятор ўрнатилган.

HD+ экранни диагонали 5,3 дюйм. Селфи камераси — 5 Мп, асосий камераси — 8 Мп. Galaxy M01 Core уч хил — қора, кўк ва қизил рангларда сотувга чиқарилади.



Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади.

АҚШ ва Хитой: дипломатик уруш жиддийлашмоқда

Хитой ва АҚШ ўртасидаги "консулликлар уруши" борган сари авж олмақда. Президент Доналд Трамп Хюстондаги (Техас штати) Хитой консуллиги ортидан бошқалари, жумладан, Сан-Францискодаги консуллик ҳам ёпилиши мумкинлигини айтди.



АҚШ ҳукуматининг ишонишича, Хитойнинг Сан-Францискодаги консулиги биносида Калифорния университетида ишлаган ва Хитой ҳарбийлари билан алоқаларда гумон қилинган хитойлик биолог олим Цзюан Тан яшринмоқда. Июн ойида Федерал Қидирув Бюроси у билан суҳбатлашган эди. Тан ҳеч қачон Хитой армиясида хизмат қилмаганини айтган. Бироқ АҚШ махсус хизматлари Таннинг ҳарбий кийимда тушган суратига эга. Бундан ташқари, унинг уйда ўтказилган тинтув чоғида Хитой Куролли кучлари билан алоқаларига доир қўшимча далиллар қўлга киритилгани айтилади.

Америкалик прокурорларга кўра, Цзюан Тан Хитой консулиги биносида яширинишга улгурган. Бош прокуратура сўровига биноан, Америка визасини сохталаштиришда гумон қилинаётган яна бир неча хитойлик олимлар қўлга олинган.

Хитой АҚШ ҳукуматининг ҳаракатларини сиёсий ивгогарлик, деб атапти. Экспертлар эса зиддият тобора жиддийлашиб бораётганини айтиб, уни совуқ уруш билан қиёслашмоқда.

Вакциналар жангги

Америка ҳукумати Хитой Халқ Республикасида Хюстондаги консулигини ёпиш учун 72 соат муҳлат берган.

Авалроқ Америка расмийлари хитойлик ҳақерлар Covid-19га қарши вак-

цинага доир маълумотларни ўғирлашга ҳаракат қилганини айтишганди. АҚШ Адлия вазирлиги томонидан эълон қилинган айбнома Хитойнинг икки фуқаросига алоқадор. Унда айтилишича, хитойлик ҳақерлар коронавирусга қарши восита устида ишлаётган лабораториянинг компютер серверларини бузиб кирган. Америка томони, шунингдек, бу хитойликлар давлатнинг ёрдамида бошқа ўғирликларни ҳам содир этишга уринганликларини айтмоқда.

Пекинда Вашингтонни сиёсий ивгогарликда айблашган. Хитой Ташқи ишлар вазирлиги вакили Ван Венбиня АҚШнинг Хитой консулигини ёпиш талабини "ғазабга солувчи ва оқлаб бўлмайдиган" деб атаган. АҚШ Давлат департаменти эса ушбу қарор Американинг интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш мақсадида қабул қилинганини айтмоқда.

АҚШ Давлат департаменти баёнотидан бир неча соат ўтиб, Хитой ҳукумати

жавоб чоралари ва АҚШнинг Ухандаги консулигини ёпиш билан таҳдид қилди.

Дипломатик ҳужум

Президент Трамп бошида "Хитой вируси" деб атаган коронавирус пандемияси Вашингтон ва Пекин муносабатлари ёмонлашиши бошлаган паллага тўғри келди. Коронавирус муносабатлари янада ёмонлаштириб юборди. Танқидчиларга кўра, бу қисман Трампнинг ўз мамлакатидagi коронавирус вазиятини ёмонлашиши учун вирус ўчоғи бўлган Хитойни айблаши туфайли. АҚШ коронавирусга чалинганлар сони бўйича аллақачон Хитойдан ўзиб кетган.

Хитойнинг коммунист ҳукумати худди шу вақтга келиб Гонконгга босимни кучайтирди – амалда "Бир давлат – икки тузум" тамойилидан воз кечди ва Шинжондаги мусулмон уйғурлар мажбуран ушлаб турилган қамоқ-лагерлар тармоғини кенгайтди. Буларнинг ҳаммаси Вашингтонни инсон ҳуқуқларини пой-

мол этиш билан боғлиқ янги ҳолатлар ҳақида гапиришга ундади.

АҚШ Давлат Котиби Майк Помпео бир неча кундирки, Пекингга қарши дипломатик ҳужумга ўтган: у очиқчасига ғарб давлатларининг Хитойга қарши коалициясини тузмокчи эканини айтди. Лондонга ташрифи чоғида Помпео Бош вазир Борис Жонсонни Британиядаги 5G тармоғи қурилишига Хитойнинг Huawei ширкатини яқинлаштирмастикка кўндирди. У шунингдек, Хитойни тажовузкор, деб атаб, ғарбдаги Хитойда ишлаб чиқарилаётган ва компютер дастури билан таъминланаётган смартфон фойдаланувчиларининг шахсий маълумотларини йиғишда айблади.

Аллақачон президентлик кампаниясини бошлаб юборган Доналд Трамп ўзининг твитларида нафақат Хитой ҳукумати, балки Хитойга алоқаси бўлган ҳамма нарсага ҳужум қилмоқда. У миллиардлаб фойдаланувчиси бўлган TikTok ижтимоий тармоғини хитойиники бўлгани учун ёпиш билан таҳдид қилди.

Жазо чоралари

Трамп яқин орада Пекининг Гонконгга хавфсизлик қонунини жорий этиши боис Хитойга қарши янги жазо чораларини эъон қилиши кутилмоқда. "Биз Гонконгга эркинликларнинг сақланиб қолганини жуда ҳам истар эдик, аммо бунинг имкони бўлма-са, Хитой коммунистик партиясини бунинг учун жавоб беришга мажбурлаймиз", деб айтган АҚШ Давлат Котиби Майк Помпео.

Агар Америка Хитой банкларига ҳам жазо чоралари киритадиган бўлса, бу икки йилдан буён давом этаётган савдо урушига валюта уруши ҳам қўшила-ди, дегани.

МУҲОЖИРЛАР ҲАЁТИ МУҲИМ

Ижтимоий тармоқларда Migrants lives matter ёзувли футболка кийган йигитнинг тиз чўккан ҳолатда коммунал хизмат махсус кийимидаги фаррош муҳожирнинг оёқ кийими (кроссовка)ни тазалаётгани акс этган видео тарқалмоқда.

Бу йигит – Москвада яшовчи 39 ёшли Александр Андрианов. У "Вконтакте"да Migrants lives matter ("Муҳожирлар ҳаёти муҳим") ижтимоий ҳаракатига асос солди. "Ҳар кимга тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар берилиши керак. Ҳар кимга ҳурмат билан муносабатда бўлиш керак", деб ёзди Migrants lives matter ҳаракати асосчиси.



лар қуришмоқда. Уларга миннатдорчилик ўрнига пулга туширишда, турли текширув рейдлари билан доим беддиришади. Улар санитария талабларига жавоб бермайдиган, қандайдир ифлос баракларда яшаши. "Одамларни русга, ўзбекка, америкалик, японга ажратиш керакмас – Ер сайёрасининг яшовчилари бор, буни тушунишнинг вақти аллақачон келган", – дейди Александр Андрианов.

Ижтимоий тармоқларнинг русийзабон фойдаланувчиларидан камсонли кишиларгина Migrants lives matter ҳаракати ва унинг муаллифини қўллаб-қувватламоқда.

Ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари Александр Андриановнинг ижтимоий ҳаракатидан кўра, мигрант пойафзалини тазалаётгани тасвирланган видеосини кенг муҳокама қилишмоқда. Унинг бу чиқиши ижтимоий тармоқларнинг русийзабон платформарида катта резонансга сабаб бўлмоқда. Фойдаланувчилар юзлаб танқидий изоҳлар қолдиришмоқда, аксар маҳаллий аҳоли вакиллари москвалик йигитнинг бу ҳаракатини ёқлашмаётир. Уларнинг фикрига кўра, бу акциянинг ҳуқуқлар тенглиги ва ҳурматга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Александр пиар учун ушбу усулни танлаган бўлиши мумкин.

"Осиёга жўна ва эмалла", дея унинг устидан кулишмоқда россияликлар. Аммо Александр фикрида қатъий: кўплаб россияликлар мигрантлар ҳақида ўйлашмайди, уларни пастга уришади, уларга иккинчи нав инсон каби муносабатда бўлишади. Унинг сўзларига кўра, қўшни республикалардан келганлар қўчаларни тазалашмоқда, егулик ташинмоқда, уй-

БЕЛАРУСЛАР НИМАДАН ҲАЗАБДА?

Кўпинча "Европанинг сўнгги диктатураси" дея тилга олинадиган Беларус чорак асрдан буён яқна шахс – Александр Лукашенко томонидан бошқарилади. Аммо эндиликда унга қарши муҳолифат кучаймоқда.

Лукашенконинг коронавирус пандемиясига муносабати одамлар орасида норозилик кайфиятларининг кучайишига олиб келган. Президентлик сайловларига бир ойдан кам вақт қоларкан, муҳолифат фаоллари ва журналистлар ушланиб, қамоққа ташланмоқда.

Ўтган яқшанба президентликка номзодлик гувоҳномасини яқинда қўлига олган муҳолифат номзоди Светлана Тихановская тарафдорларининг биринчи йирки намойиши бўлиб ўтди. Тарғибот намойишига бир неча минг одам йиғилган, бу охириги вақтларда Беларусда ўтган энг кўп сонли намойишдир.

Қонунга мувофиқ, у сайловчилар билан учрашиши ва тарғибот кампаниясини олиб бориши мумкин. Шунинг учун ҳам унинг намойиши тарғибот пикети сифатида ўтказилган ва ҳукумат томонидан рухсат этилган. Тихановскаянинг турмуш ўртоғи – машҳур блогер Сергей Тихановский май ойи охиридан буён тергов ҳибсхонасида қолмоқда, у жамоат тартибини бузганликда айбланади.

Жорий йилнинг 9 августига белгиланган сайловларда амалдаги президент Александр Лукашенко навбатдаги муддат учун курашади.



Интернет материаллари асосида У. ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

14 МУТОЛАА

Бир кун кечкурун, бундан саккиз ой муқаддам, дўстимиз Луи Р.нинг хонасига бир кеча собиқ синфдошлар йиғилдик. Пунш ичдик, чекдик, адабиёт ва рассомлик санъати ҳақида гап сотдик, одатда ёшларнинг гурунларига айтиладиган ҳазил-мутойи-балар бўлди. Бир пайт туйқусдан эшик ланг очилиб, болалиқдаги бир дўстим хонага қуюндай бостириб кирди.

– Хўш, қани ким айтди, мен ҳозир қаердан келдим, – қичқирди у.
– Гаров уйнашим мумкин, Мабилдан! – деди кимдир.

– Йўқ, кўринишигдан кайфинг чоғ, ҳарқалай, бирор жойдан қарзга пул ундиргансан ё бувангни дафн этиб қайтдингми? Ҳа, топдим, соатингни гаровга қўйгансан, мулжалингдаги нарҳда, – деди бошқаси.

– Менингча, сен жиндай отгансан, – деди учинчиси. – Луиникидаги пуншнинг хидини олиб, томоғингни яна ҳўллагин келиб қолган.

– Йўқ, тополмадинглар, мен П.дан келдим. Нормандиядаги П.дан. Бир ҳафта бўлдим у ерда, мана ўзим билан бирга биродаримниям олиб келдим, рухсат этинг, жаноблар, уни сизга таништирай!

У шу сўзларни айтиб чўнтагиндан териси шилинган одам қўлини чиқарди. Қўл ниҳоятда кўрқинчли эди: қоп-қора қуриб қолган бармоқлари узун, майи-шиб кетганга ўхшарди. Фавқулдда бақувват мушакларнинг юқори ва қўйи қисмида шилинмай қолган, пергаментга ўхшаб кетадиган тери парчалари тарам-тарам, бармоқларининг учидан сарғим-тир ўткир тирноқлар туртиб чиқиб турарди. Бу манзарадан шундоққина жиноятнинг ҳиди анқирди.

– Тасаввур қилинг, – ҳикоя қила бошлади дўстим, – яқинда вилоятга донги кетган бир қари жодугарнинг кўқир-сўқирларини сотишди. Жодугар ҳар ҳафтанинг шанбасида супурчисига миниб, жинлар базмига отланар, жодугарлик билан шуғулланар экан: сизиларга кинан солганида жониворларнинг сути кўм-кўк кўқариб, думлари худди авлиё Антонийнинг надиминикидай тиккасига буралиб кетаркан. Уша қари алваси мана шу қўлга жуда меҳр қўйган экан.

Унинг айтишича, бу қўл ўзининг қонуний хотинини боши билан қудуққа ташлаб юборгани (дарвоқе, буни шахсан мен жиноят деб ҳисоблайман) ва бунга-ча ўзларини никоҳлаган руҳонийни жоминг арқонига осиб ўлдиргани учун 1736 йили қатл этилган донги кетган бир қаллақасарга мансуб эмис. Ана шу қўшалоқ жасоратни амалга оширганидан сўнг бу муттаҳам беҳад оғир жиноятларга қўл уради, ўзининг хийла қисқа ва аини пайтда саргуашларга тўлиб-тошган умри мобайнида юзлаб сайёҳларни шилади, монастырда йиғирматача руҳонийни тутунга қамаб бўғиб ўлдирди, аёллар монастырини ҳарамга айлантиради.

– Нима қилмоқчисан бу жирканч матоҳчи? – деб сўрадик биз.

– Ҳе, жин урсин, ижарачиларни бир кўрқитай. Буни мен эшикнинг кўнгириги-га дастак қилиб бойлаб қўяман.

– Дўстим, – деди новча, тепса тебранмас инглиз Генри Смит, – кўп ҳовлиқаверма, менимча, бу қўл янгича усулда консервалардан гўшт, холос. Мен сенга ундан шўрва қайнатилиши маслаҳат бераман.

– Ҳазилни бас қилинглр, жаноблар! – деди ширакайф талаба-табиб сиполик билан норози оҳангда. – Сен эса, Пер, менинг оқилона маслаҳатимга қўлоқ осгин-да майитнинг бу аҳдосини масиҳ-часига дафн этгин, ак ҳолда эгаси қўлини қидириб сенга йўлиқади: боз устига, қўлнинг эгаси манфур одатини тақорласа ҳам ажаб эмас, ахир, ўзинг биласан-ку “тарки одат – амри маҳол”.

– Ҳа, тарки одат – амри маҳол! Ичган – тагин ичди! Қани олдик! – дея қувватлади уй эгаси ва талабага катта қадахни тўлатиб пунш ичди. У қадахни бир кўтаришда бўшатди-ю кайфи ошиб

столнинг тагига қўлаб тушди, хонада кўйқирик кўтарилди. Пер қадахни қўтариб, мулозамат қилгандай қўлга хийла энгашиб, деди:

– Сенинг эганг билан бўлажак учрашув учун ичаман!

Шундан сўнг суҳбатимиз бошқа мавзуга кўчди ва орадан кўп ўтмай ҳамма уй-уйига тарқалди.

Эртаси кун, соат иккиларда мен Пер яшайдиган уйнинг олдида ўтаётим, бирров кирдим.

– Хўш, қалайсан? – деб сўрадим ундан.

– Зўр, – деди у.

– Қўл қаерда?

– Қўлим? Нима кўзинг тушмадимми, кеча кечкурун уйга кираётим кўнгироқнинг ипига осиб қўйгандим. Ҳа, тасаввур қиласанми, аллақандай телба ярим оқшом кўнгироқни роса жиринглата с бўладими, ҳарқалай, кимдир биров бебошлик қилди чоғи, мен кимсан, деб қақирдим, ҳеч ким жавоб бермади, кейин тўшақка чўзилиб қотиб ухлаб қолибман.

Шу пайт кўнгироқ жиринглади. Бу уйнинг хўжайини – кўпол, ёқимсиз бир нусха эди. У хонага тумтайганча кириб келди, ҳатто ҳол сўрашни ҳам ўзига эп кўрмади.

– Хурматли жаноб, – деди у дўстимга, – бу ўлимтиқни дарҳол йўқотишга рухсат этинг, акс ҳолда сизни хонадан чиқариб юборишга мажбурман.

– Марҳаматли жаноб, – фавқулдда жиддий оҳангда жавоб берди Пер. – Сиз қўлни ҳақорат қилдингиз, ахир, у бунга муносиб иш қилгани йўқ-ку. Билиб қўйинг, бу қўл бағоят ахлоқли инсонга мансубдир.

Хўжайин бурилиб, хайрлашмасдан чиқиб кетди. Пер унинг ортидан бориб кўнгироқдан қўлни ечиб олди ва уни тўшагининг устидаги кўнгироқ ипига илдириб қўйди.

– Мана шу ерда тургани маъқул, – деди у. – Бу қўл худди тирранчалар: “Биродарлар, ўлишга тўри келади”, деганларидай, ҳар оқшом уйку олдида мени жиддий фикрларга ундайди.

У билан бир соатча ўтириб, уйга қайтдим. Кечаси уйқум қочди, ҳаяжонландим, асабим бузилди, бот-бот босинқираб уйғониб кетдим. Бир маҳал аллақим бош учимда қаққайиб тургандай туюлди, ваҳима босди, ўрнидан ириб турдим, қароватнинг тагига қарадим, шакфни очдим. Ниҳоят, соат олтилар эди чамаси, кўзим илинибди, бироқ эшик шунақанги ваҳимали тақилласа бўладими, тўшақдан сапчиб туриб кетдим. Тақиллатган дўстимнинг хизматкори экан, ярим яланғоч, ранг-рўйи доқадай, жағи-жағига тегмайди, аъзойи бадани қалтирайди.

– У, жаноб! – хитоб қилди у йиғламоқдан бери бўлиб, – шўрлик хўжайинини ўлдириб қўйишди!

Апил-тапил кўйиниб, Пернинг уйига югурдим. Тумонат одам, ҳамма ҳар томонга зир югурган, рўй берган фожеани ҳар ким ўзича тўқиб-бичиб изоҳлар, ҳаяжондан бўғилиб баҳслашарди. Оломоннинг орасини ёриб ўтиб, дўстим ётадиган хонага бир амаллаб етдим: эшикни ичкаридан бекитиб олишган экан, кимлигимни айтгандан сўнг киритишди. Тўрт нафар полиция ходими хонанинг ўртасида қўлларига ёзув дафтарчалари, бор нарсаларни бирма-бир синчиклаб қузатишар, орасира шивирлашиб дафтарчаларига бир нарсаларни ёзиб қўйишарди: икки нафар табиб беҳуш ётган Пернинг бошида гаплашиб турарди. Пер тирик эди, афт-ангоридадан от хурқад, башараси аянчли тусда, қўзлари қосасидан ириб чиққан, кенгайиб кетган қорачиқлари кўзга кўринмайдиган аллақандай ёвуз махлуққа қарагандай даҳшатга тушиб

бақрайиб қотиб қолган, бармоқлари эса қаттиқ сиқилгандан мушт бўлиб тошдай қотган. Гавдаси иягига чойшаб билан ёпиб қўйилган. Мен уни ўмганидан олиб кўтардим, шунда томоғига чуқур ботиб кетган беш панжанинг изига кўзим тушди. Қўйлагига томган бир неча томчи қон кизариб турарди. Шу дақиқада мени бир нарса ҳайратга солди: фавқулдда кўзим унинг тўшаги устида осилиб турган

(Ҳикоя)



кўнгироқнинг ипига тушди, кеча шу илга дўстим боғлаб қўйган териси шилинган қўл йўқ эди! Балки кўрганлар кўрқмасин деб докторлар қўлни ечиб олишгандир. Ахир, унга тасодифан қўзи тушган одамнинг юраги чиқиб кетиши турган гап. Қўлнинг қаерга дафн этилганини сўраб ўтирмадим.

Энди эртаси кун газетада бу машъум жиноят ҳақида полициянинг эълон қилган хулосасини жамика тафсилотлари билан келтирай.

Мана, мен газетда ўқиган хабар: “Ёш, машхур норманд сулоласидан берига мансуб талаба йигит Пер Б. кеч оқшом даҳшатли ёвузлик қурбони бўлди. У кечкурун, соат ўнлар чамаси, ётоғига қайтган ва хизматкори Бовенга рухсат бериб чарчаганини, ухламоқчи эканини айтиб. Тун яримлаб қолган бир маҳалда кўнгироқнинг аянчли жарангласидан уйғониб кетди. Юрагини ҳовучлаб ўрнидан тез туради-ю шамни ёқиб бироз қутди. Кўнгироқ овози бир дақиқа тинади, бироқ тагин узундан узоқ жаранглайди: ўтақаси ёрилгудай кўрқувга тушган хизматкор қоровулга югуради. Қоровул полицияга чопади, ярим соат ичида етиб келган полиция эшикни синдириб ичкарига қиради.

Улар хонага киришганда аянчли манзарага дуч келишади, мебеллар тўнтариб ташланган, кийим-кечақлар сочилиб ётарди. Буни кўрган полициячилар жиноятчи билан унинг қурбони ўртасида аёвсиз жанг бўлган, деган фикрга келишади. Хонанинг ўртасида ёш йигит Пер Б. беҳуш чалқанча ётарди.

Унинг бадани титраб турар, юзида қони йўқ, қорачиқлари ваҳимадан кенгайиб кетган. Дарҳол бу ерга қақирилган доктор Бурдоннинг фикрича, босқинчи кучли, бармоқлари узун ва чайир бўлган, чунки милтиқдан отилган ўқларнинг изидай беш панжа Пернинг гарданида нақ тешиб ўтиб, мушт бўлиб маҳкам сиқилган. Қўлнинг шахси ва жиноятга алоқадор бирорта далил топилгани йўқ”.

Эртаси кун шу газетда тагин

Ги де Мопассан

шундай хабар чиқди:

“Кеча хабар қилганимиздек, оғир жиноятнинг қурбони бўлган жаноб Пер Б. доктор Бурдоннинг икки соат мобайнидаги саёй-ҳаракатлари туфайли ўзига келди. Ҳозирча жабрланувчининг ҳаёти хаф остида эмас, бироқ ақл-хуши жиддий ташвиш туғдираётир, хануз босқинчидан бирор-бир нишона топилгани йўқ”.

Ҳа, шўрлик дўстим ақлдан озиб қолди, етти ойча уни йўқлаб, касалхонага бориб, кўриб турдим, аммо Пер ўзига келмади. У жинчиларча жавраган пайтда оғзидан пойинтар-сойинтар сўзлар чиқарди, миясига елимдай ёпишган аллақандай фикр мудом уни азобларди: гўё уни ароҳот тиндирмай таъқиб қиларди. Бир кун Пернинг аҳволи оғирлашиб қолди, деб хабар келди, тезда етиб бордим, мен борганда дўстим жон талвасасида эди. Шундан сўнг у икки соатча қимир этмай ётди. Бир пайт қутилмаганда кароватдан сакраб турди-да, тутқаноғи тутиб, чинқира бошлади: “Йўқот уни! Йўқот! У мени бўяпти! Дод! Ёрдам беринглр! Ёрдам!..”. Пер фарёд чекиб жон талвасасида хонанинг ичиники бор айлана югурди-да, ўртага ўш туaban қилди.

Бояқши етим эди, жасадни оила аъзолари дафн этилган норманд қишлоқчаси П.га олиб бориш менга юкланди. Ушанда, Луи Р.нинг уйида пунш ичиб, собиқ синфдошлар билан улфатчилик қилиб ўтирганимизда Пер мана шу қишлоқдан келган, бизга териси шилинган қўлни кўрсатган эди. Унинг жасадини кўрғошин тобутга солдик.

Орадан тўрт кун ўтиб, унинг биринчи муаллими кекса кашиш билан қабр қазитган жойда айлана юргандик. Ҳаво очик, жуда ажойиб кун эди, мовий осмонда

офтоб чарақлаб турибди. Болалигимизда неча мартаба маймунжон терган юлғунзорда қушлар чуғурлашарди. Ҳар гал панжарали тўсиқни ёқалаб бориб, ўзимизга маълум майдоннинг этагидеги камбағаллар дафн қилинадиган жойдаги девор тирқишидан кирганимиз ёдимга тушди. Ҳар сафар оғиз-бурнимиз маймунжондан қорайиб уйга қайтардик. Бутиларга термуламан: шохларда маймунжон сероб, беихтиёр бир бутани узиб олиб, оғзимга солдим. Кашиш дуолар китобини очди ва мингирлаб ўқий бошлади, хиёбоннинг нариги бошидан ерга урилаётган белкуракнинг зарби эшитилиб турибди: гўрковлар қабр қазитаётир. Тўсатдан улар бизни қақириб қолишди, кашиш китобини ёлди ва биз нима гаплигини билиш учун бордик. Маълум бўлишича, гўрковлар қабр қазитиб, бир тобутга дуч келишибди. Белкуракнинг зарбидан тобутнинг қолқоғи очилиб қолибди. Бир барваста жасаднинг скелетини кўрдик, скелет чалқанча ётар, бум-бўш кўз қосалари билан бизга ўқрайиб тургандай туюлди. Кўнглим беҳузур бўлди, негадир кўрқиб кетдим.

– Ана холос! – хитоб қилди гўрковлардан бири. – Қаранглр, бу жўмарднинг панжалари кесилган-ку!

Шундай деб скелетнинг ёнбошида турган қуриб қолган бармоқсиз билда суюгини кўтариб бизга узатди.

– У менга ўқрайиб қараётганга ўхшайди, – деб қулди бошқа бир гўрков, – ҳозир томоғимдан олади, қўлимни топиб бер, – дейди.

– Азиларим, – деди кашиш, – марҳумнинг оромини бузманг, бекитинг тобутни: биродаримиз бечора Пер учун бошқа жойдан гўр қазамиз.

Эртаси кун маросимлар туғайи ва мен беҳосдан хокини безовта қилганимиз – ўша панжалари кесилган марҳумнинг руҳига дуо ўқиб қўйишни сўраб кекса кашишга эллик франк бериб, Парижга жўнаб кетдим.

Аҳмад ОТАБОЙ таржимаси



ХОТИРА МАНГУ

Оилада ҳар бир фарзанд азиз бўлганидек, жамиятда ватан равнақи, эл кори йўлида хизмат қилаётганларнинг ҳам ўз ўрни бор. Бироқ тақдир ва ўлим рўпара келганда, улар ўз ҳукмини айтмай кўймас экан. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими Баҳодир Раҳматуллаевич Якубов 52 ёшида оламдан ўтди.

У 1968 йилнинг 7 декабрида Тошкент шаҳрида тиббиёт ходимлари оиласида дунё келган. Ўз келажагини ахборот технологиялари соҳасида кўргани учун ҳужжатларини Тошкент электротехника алоқа институтига топшириб, уни 1993 йили тамомлаган.

Иш фаолиятини 1994 йил Уртачирчиқ тумани электростанциясида монтаж ва муҳандис-метролог сифатида бошлаган Баҳодир Якубов йил сайин орттирган тажрибаси, билими, соҳа ривожига йўлида жон куйдириб меҳнат қилгани туфайли хизмат пиллапоясидан юқорилаб бораверди. 2004-2015 йилларга келиб у "UNICON.UZ" ДУК телекоммуникация техник воситаларини сертификатлаштириш синови маркази бошлиғи, директор ўринбосари вазифаларида ишлади. Бу хизматлари ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътироф этилиб, 2013 йили у Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими фахрий унвони билан тақдирланди.

Баҳодир Якубов ушбу унвондан руҳлиниб, зиммасига юкланган масъулиятни чуқур англаган ҳолда яна фаолиятига киришди. У 2018 йилдан то жорий йилга қадар ўз севган касбига, "UNICON.UZ" ДУК бош менежери сифатида ишлаб келаётганди. Бироқ, минг афсуски, шафқатсиз ўлим уни айни фарзандларим камолини, ютуқларини кўраман, невараларимни суйиб-эркалайман деган даврида, соҳа бўйича орттирган билимларимни фаолиятим ривожига йўлида сарфлайман, деб юрган паллада орамиздан олиб кетди.

Халқимиз ўз ишининг фидойиларини асло унутмайди.

ҲАЁТГА ЧИН ОШИҚ ...

Инсон дунёга бир марта келади, яшайди, камолга етади, меҳнат машаққатлари билан бахтини яратади. Ҳар бир одам ўзидан эзгу амал ва яхши хотиралар қолдириб яшашга интилади. Зеро, хотира — ўтган кунларнинг тилсиз гувоҳи. Хотира туфайлигина эзгулик хизмат қилганларнинг унутилмас номлари ҳурмат билан тилга олинади.

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Сурхондарё филиали директори Муҳиддин Маматқулов жорий йил 23 июлда 53 ёшида вафот этди. Кутилмаган айрилиқ ва мусибатдан уни таниган ҳамкасблари, дўсту ёрлари, оила-аъзолари қаттиқ изтиробга тушишди. Лекин начора, умрнинг ўлчови йўқ, Муҳиддин Маматқуловнинг эзгу амаллари, инсонийлик фазилатлари уни танийдиганларга мерос бўлиб қолди. Зотан инсон сурати унинг хулқ-атвори, тафаккури, мақсади ва умри мазмунига мос бўлиши ҳақиқатдир. М. Маматқулов ана шундай сийрати ва сурати бир-бирига монанд,



ҳаётга ошиқ олижаноб инсон эди.

М.Маматқулов 1992 йилда Тошкент электротехника алоқа институтини тамомлагач, почта алоқаси тизимида иш фаолиятини бошлади. Оддий ишчи, электромеханик, виллоят почта алоқа ва матбуот тарқатиш корхонаси бошлиғи муовини, виллоят "Матбуот уюшмаси" акциядорлик жамияти директори, "Ўзбекистон почтаси" очик акциядорлик жамияти "POST TRADE" шўъба корхонаси бош мутахассиси, "Сурхон Сардори" масъулияти чекланган жамияти

ижрочи директори лавозимларида ишлаб Сурхондарё виллояти аҳолиси ва ташкилотларга почта хизматлар турларини кенгайтириш ва сифатли тарзда хизмат кўрсатишга муносиб ҳисса қўшган.

М. Маматқуловнинг почта алоқаси хизматларини ташкил этиш бўйича узок йиллик тажрибаси ва билимларини ҳисобга олган ҳолда 2020 йил январ ойида "Ўзбекистон почтаси" АЖ раҳбарияти уни Сурхондарё филиали директори лавозимига тайинлади. Қисқа вақт ичида унинг бевосита иштирокида Сурхондарё филиалининг молиявий-иқтисодий аҳолини яхшилаш жараёни бошланди ва бу филиалнинг "Ўзбекистон почтаси" АЖ тизимида етакчи ўринлардан бирини эгаллашига имкон яратди.

М. Маматқулов ҳамкасблари ва яқинлари хотирасида камтар, сезгир, эътиборли инсон сифатида мангу яшайди...

"Ўзбекистон почтаси" АЖ раҳбарияти ва меҳнат жамоаси

ВАЗИФАЛАРНИ АЪЛО ДАРАЖАДА УДДАЛАР ЭДИ...

"Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали директор ўринбосари Азизхўжа Аҳромович Набиев энди орамизда йўқ.

Бор билим ва тажрибасини халқининг узоғини яқин қилишга сафарбар этишни дилига тўққан бу ўзбек ўғлини, афсуски, ҳаёт билан эрта видолашди.

Азизхўжа Набиев 1973 йил 27 июнда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. У умрининг салмоқли йилларини алоқа, яъни телекоммуникация соҳаси билан боғлаб, фаолиятини аввалига электромонтёрликдан бошлаган ва директор ўринбосари лавозимига кўтарилган.

2001 йил Тошкент электротехника алоқа институтини сиртдан битирган йиллари у аллақачон телефон станцияси электромонтёри (1991-1997), Техник эксплуатация хизмати диспетчери (1997-1998), Миробод филиали бош муҳандиси (1998-2002) сифатида ишлаётганди.



Йиллар мобайнида ўз касбига меҳри ва садоқати, топширилган вазифаларни аъло даражада уддалаш туфайли 2011-2012 йилларда раҳбарият унга "Ўзбектелеком" АК "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали тубдан қурилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича директор ўринбосари, кейинчалик "Бино

сервис" филиали директори (2012-2014) ва 2018 йилда "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали директор ўринбосари вазифаларини ишониб топширди.

Азизхўжа Набиев қайси лавозимда фаолият юритмасин, ҳар доим масъулият ва жавобгарликни чуқур ҳис қилиб, бор кучи, билими ва тажрибасига таяниб ишлаган. Кенг дунёқараш, берилган топшириқларга жиддий ёндашув, ташкилотчилик қобилияти — буларнинг ҳаммаси унга хос хислатлар эди. Азизхўжа нафақат қўл остидигиларга, балки ўзига нисбатан ҳам талабчанлигини, шунингдек, ташаббускор ва fairати бор, ўрни келса, гамхўр, эътиборли раҳбар эканини ҳам кўрсата олган. Бу инсоннинг халқ манфаати ва юртимиз равнақи йўлидаги ушбу хизматлари асло унутилмайди. Унинг ёрқин хотираси юракларда абадий қолади.

СИРДАРЁДА МОБИЛ АЛОҚА СИФАТИ ЯХШИЛАНМОҚДА



Сирдарё виллоятида 2019 йилгача бўлган даврда "Ўзмобиайл"нинг 105та база станцияси ишга туширилган бўлиб, шундан 33таси 2G, 46таси 3G ва 26таси 4G технологияли база станциялари эди.

— 2020 йил май ойида 33та 2G база станцияси модернизация қилиниб, 3G технологиясига ўзгартирилди. Шунингдек, 46та 3G база станциялари 4G технологияли база станцияга модернизация қилинди. 2020 йил якунигача 20та 4G технологияли ва 5та Eazy Masco база станцияларини қуриб ишга тушириш режалаштирилган, — дейди "Ўзмобиайл" филиали Сирдарё худудий боғламаси бошлиғи Султонхўжа Аҳмедов.

Қайд этилишича, бугунги кунгача 13 та объектада қурилиш ишлари якунланиб, битта Eazy Masco ва тўққизта 4G технологияли база станцияси ишга туширилди. Бу, ўз навбатида, алоқа сифатининг яхшиланишига ва аҳоли эътирозларининг камайишига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, виллоятда 26та CDMA-450 база станциялари ишлаб турибди.

Бугунги кунга келиб, Сирдарё виллоятида 190 000 нафар мижозга хизмат кўрсатилмоқда.

Обуна



Газетага "Ўзбекистон почтаси" АЖ алоқа бўлимлари, "Матбуот тарқатувчи" АК матбуот дўноқларида обуна бўлишингиз мумкин!

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

"UNICON.UZ" ДУК жамоаси корхона бош менежери

Баҳодир Якубовнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила-аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.



Бепул VPN: ТЕКИН ПИШЛОҚ ҚОПҚОНДА БЎЛАДИ...МИ?

Интернет ишлатувчилар айрим ресурсларга кириш учун одатда бепул VPN сервисларидан фойдаланишади. Лекин бунинг ҳам хавфли жиҳатлари бўлиши мумкинлигини кўпчилик англаб етмайди.

Исроилнинг киберхавфсизлик йўналишидаги vpnMentor компанияси хабар беришича, текин VPN иловаларидан фойдаланаётган йигирма миллиондан ошқ юзернинг шахсий маълумотлари интернетга чиқарилган. Булар – электрон почта манзили ва пароли, IP-манзил ва уй манзили, смартфон модели, қурилма идентификатор ва бошқа техник тафсилотлардир.

Улар орасида UFO VPN, FAST VPN, Free VPN, Super VPN, Flash VPN, Secure VPN ва Rabbit VPN каби кенг тарқалган VPN-тармоқлар фойдаланувчиларининг ҳам маълумотлари бор.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бунақа иловалардан фойдаланувчи кишилар одатда техник масалалардан беҳабар бўлишади. Улар асосан бирор ҳудудда чекланган сайтга кириш, ўйинда бир неча аккаунтни рўйхатдан ўтказиш каби мақсадларда VPN ишлатишади. Бироқ бу сервисларни текин тақдим этаётганлар анонимлигини ва ахборот хавфсизлигини етарли даражада таъминлаб бера олмаслигини тушуниб етишмайди.

Ушбу иловангизни ҳозирроқ ўчириб ташланг!

SuperVPN иловаси билан боғлиқ муаммолар аниқланганидан сўнг, Google дастурни Play Storeдан олиб ташлади.

Илова хакерлар фойдаланувчини вирусли серверларга йўналтиришига имкон берган. Play Storeдан олиб ташлангандан олдин SuperVPN 100 миллиондан ортиқ маротаба юкланган ва қидирувлар натижаси орасида топ бешталиқда бўлган.

VPNдаги хатolik натижасида “ўртақаш” (MITM – man-in-the-middle) ҳужумларга имкон яралган, бу эса фойдаланувчи ва провайдер ўртасидаги ха-

барларнинг хакерлар қўлига тушишига имкон берган. Бундан ҳам ёмони, фойдаланувчилар ҳақиқий VPN серверидан бошқа манзилга йўналтирилган.

Яна маълум бўлишича, илова ишончсиз HTTP орқали махфий маълумотлар ошкор бўлишига ҳам имкон яратган. Фойдаланувчи ва сервер ўртасидаги маълумот шифрланган бўлса-да, шифрлаш кодлари илованинг ўзида эканлиги хакерлар ишини осонлаштирган.

SuperVPN ўзининг шубҳали амалиётлари сабаб бир неча бор танқидларга учраган бўлиб, дастурнинг аниқ келиб чиқиши ҳам номаълумлигича қолмоқда.

Илова яратувчиси SuperSoftTech сингапурлик сифатида рўйхатга олинган, аммо ўрганишлар натижасида бу илова аслида пекинлик мустақил дастурчи Чжэн Цзинжунга тегишли эканлиги аниқланди. SuperVPNни юклаб олган миллионлаб фойдаланувчиларга иловани ўчириб ташлаш маслаҳат берилди.

Нима учун барча VPN хизматларига ишониш мумкин эмас

VPNни барча маълумотларни ёпиқ эшиклар ёки тўсиқларни четлаб ўтиш учун махсус йўлак сифатида тасаввур қилинг. Агар сиз шу махсус йўлак учун тўлаган бўлсангиз, ҳеч кимни сизнинг маълумотларингиз қизиқтирмайди. Аксинча бўлса, яъни бепул VPNдан фойдалансангиз, бу йўлакда ҳаракатларни қайд этувчи камера ўрнатилади. Шу билан бирга, йўлак бўйлаб сиз фойдаланадиган сайтлар ҳақида шунчаки маълумотлар оқими ўтмайди. Оқимда сиз учун аҳамиятли бўлган логинлар, пароллар ва бошқа маълумотлар ҳаракатланади.

Бир сўз билан айтганда, бепул VPN хизматидан фойдаланишингиз кимларгадир маъқул эмас. Улар барибир шахсий маълумотларингизни ошкор қилиш хавфи орқали сизни пул тўлашга мажбур қилишади. Ахир айтишадик, текин пишлоқ фақат қопқонда бўлади, деб.

ЙОГА КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ



Мисрлик мутахассис йога коронавирусга чалинганларнинг энгил нафас олишлариға ёрдам беришини таъкидламоқда, дейди agabnews.com.

Ҳозирда коронавирусга қарши бирон бир махсус дори мавжуд эмас экан, мутахассис йога машғулотлари беморларнинг энгил нафас олишлариға ёрдам бериши мумкинлигини таъкидламоқда. Экспертнинг сўзларига кўра, бу машқларнинг энг асосий фойдаси нафас олиш тизимида сезилади. “Йога машғулотларининг ичида диққатни жамлаш, ўзини эркин ҳис қилиш, бор эътиборини ўзига қаратиш ва нафас олиш энг муҳимлари ҳисобланади”, – дейди мисрлик йога устози Рана Мустафа.

1998 йилда физиология бўйича Нобел мукофотини қўлга киритган доришунос олим профессор Луис Игнарро яқинда COVID-19га қарши курашда яхши нафас олишнинг муҳим экани ҳақида мақола ёзди. “Ҳавони бурундан олиб, бурундан чиқаринг. Бу усул нафақат йогада қўлланилади, балки у организмгизга жуда фойдали бўлиб, тананинг инфекцияларга қарши курашида ёрдам беради. Одамнинг бурун бўшлиғида бир қанча моддалар ишлаб чиқарилади ва бу моддалар ўпкадаги қон айланишини яхшилайти ҳамда қондаги кислород миқдорини оширади. Бурундан нафас олиш ушбу моддаларни тўғридан-тўғри ўпкага юборади. Ушбу моддалар ўпкада коронавируснинг қўлайишини блоклайди. Бемордаги қоннинг кислород билан кўпроқ тўйинган бўлиши унинг ўзини яхши ҳис қилиши ва чидамлилигини таъминлайди”, – дейди Игнарро мақолада.

Рана Мустафонинг таъкидлашича, чуқур нафас олиш юрак урушини секинлаштириб, инсондаги тушунлиқни камайтиради. Инсон тўғри усулда нафас олса, унинг организмга энергия кайта кирди, иммунитетни кучаяди ва ўпканинг фаолияти ҳамда нафас олиш тизимининг чидамлилиги яхшиланади. “Юрак уришининг тезлашиши, тез нафас олиш ва қон босимининг ошиши каби инсон тушунлиқка тушган пайтда бўладиган ҳолатларнинг ҳаммаси танани бўшаштириш учун чуқур нафас олганингизда йўқолади. Йоганинг энг яхши тарафи шуки, у билан ҳамма одам (барча ёшдагилар ва соғлом ёки соғлом эмаслигидан қатъи назар) хоҳлаган жойда шуғулланиши мумкин. Машқлар турли қийинчиликдаги тоифаларга ажратилади ва агар шуғулланувчи жароҳатланган бўлса, машқлар унинг ҳолатига кўра ҳам ўзгартирилиши мумкин. Нафақат бундай қилса бўлади, балки ҳар бир одам йоганинг ўзига мосини танлаш учун унинг бир неча турлари бор”, – дейди Рана Мустафа.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Абдугани АБДУРАҲМОНОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ,
Коммуна ИРИСБЕКОВА, Тўлқин ТЕШАБОЕВ,
Лутфилло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоси келишилган нархда.

Газета ҳафтанинг жума куни чиқади

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Мавзю: Ташкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-757 сонли буюртма. Оффсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 3959 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100000, Ташкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй (мўжаал: Олой бозори).
Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31,
факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ. Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.



ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 17.00.
Босишга топширилиш вақти — 24.00.

Вилоят муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80 Бухорода (99)854-7305 Жиззахда (94) 199-95-64 Наманганда (91) 353-71-25 Навойда 225-91-10 Нукулда 554-35-45 Самарқандда (91)557-84-44 Термизда (91)235-88-68 Ташкентда 234-18-59 Урганча (97) 211-65-05 Фарғонада 244-18-05 Қаршида (93)931-08-99